O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil Yanvar

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №01(3842)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Қадрли отахон ва онахонлар, опасингиллар, азиз ўғил-қизларим, болаларим!

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолган мана шу файзли ва шукуҳли дамларда сизларни қизғин мубораквод этишдан, барчангизга самимий меҳр ва ҳурматимни билдириб, эзгу тилакларимни изҳор қилишдан бахтиёрман.

Айни мана шундай унутилмас, гўзал оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз юртдошларимга янги йилда оилаларингизга шоду хуррамлик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги омадлар ёр бўлишини, кексаю ёш, ҳар қайси инсон қалбининг тўрида бўлган энг ёруғ орзу-ниятлар ушалишини чин юракдан тилайман.

Ҳурматли дўстлар!

Якунига етиб бораётган 2009 йилни кузатар эканмиз, йил мобайнида эл-юртимиз бошидан кечирган қанча-қанча синов, қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтганимизни беихтиёр эслашимиз, бир сўз билан айтганда, бу йил мамлакатимиз учун осон келмаганини таъкидлашимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, аввалambor, бутун жаҳон микёсида ҳали-бери давом этаётган, ўзи билан ўта оғир салбий оқибатларни олиб келаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, бу хавфнинг олдини олиш биз учун йил давомида ғоят мураккаб вазифа бўлиб тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Бугун барча мамлакатлар ва халқларнинг бошига тушган ана шу савдо, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, минглаб корхоналар касодга учраши натижасида ишсизликнинг кўпайиши, одамларнинг даромади ва турмуш даражасининг тобора пасайиб боришидан – бундай оғир қисматдан Ўзбекистонимизни, халқимизни сақлаб қолиш ва бу синовдан ёруғ юз билан чиқиш 2009 йилда биз учун энг асосий ва долзарб вазифага айланди.

Бизнинг бу борадаги ҳаракатларимиз юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширган ислоҳотлар ва мамлакатимизни янгилаш сиёсатининг, биз танлаган ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий тараққиёт йўлининг, инқирозга карши ўз вақтида кўрган чора-тадбирларимизнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Бу йил об-ҳавонинг ғоят ноқулай келиб, баҳордаги узлуксиз ёғингарчилик туфайли экиш мавсумининг бир ойга кечикиб кетгани ва бошқа кўплаб қийинчиликлар ҳосил тақдирини хавф остига қўйиб, қишлоқ хўжалиги учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирганидан ҳам ҳаммамиз хабардормиз.

Фақат кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган деҳқон ва фермерлар, мутахассисларимизнинг меҳнат жасорати, соҳага берилаётган доимий катта эътибор ҳисобидан барча қийинчиликларни енгиб, ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича белгиланган марраларга эришганимиз бу йилги энг катта ғалабаларимиз қаторига киради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтиб бораётган йилга юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берганимиз ва шу муносабат билан махсус давлат дастурини амалга оширганимиз қишлоқ ҳаётини обод этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш, уларнинг яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш каби ғоят муҳим мақсадларга эришиш йўлида қўйилган салмоқли қадамлар бўлди.

Шу борада бошлаган эзгу ишларимизнинг моҳияти ва қўламини, давлатимизнинг бу масалага қандай улкан аҳамият бераётганини ушбу дастурни бажариш учун барча манбалар ҳисобидан шу йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани ҳам кўрсатиб турибди.

Ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз, қишлоқ тараққиёти ва ободончилигига қаратилган бундай улкан харажатларимиз мамлакатимиз микёсида, унинг турли соҳа ва тармоқларида – бу саноат ва қурилиш, транспорт ва коммуникация бўладими, таълим-тарбия, тиббиёт ва маданият соҳалари бўладими – бутун иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга ошираётган дастурларимизнинг узвий бир қисмидир.

Бугун ўз салбий таъсирини ўтказаётган инқирозга қарамасдан, 2009 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33,0 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошгани бунинг яққол далили ва исботи десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни ҳам катта мамнуният билан қайд этмоқчиманки, кириб келаётган 2010 йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини камида 30 фоизга кўпайтириш кўзда тутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг янги йил олди қайфиятига албатта янги қувонч бағишлайди.

Юртимизни тобора обод этиб, унинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган, Ватанимизнинг илдам ривожланиб боришини таъминлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган бундай ютуқларнинг боиси, аввалambor, мамлакатимизда тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлар ва фуқароларо тотувлик, ўзаро хурмат ва меҳр-оқибат ҳукм сураётганидадир.

Энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, унинг ҳаётга, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, онгу тафаккури ўсиб бораётгани биз қўлга киритаётган марраларнинг ҳал қилувчи омили ва сабаби, десам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни ифода этган бўламан.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб, мамлакатимиз миллий манфаатларимизга жавоб берадиган демократик жамият қуриш йўлидан изчил ривожланиб бораётганини, халқимизнинг ўз танлаган йўлига, эртанги кунга, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончини яна бир бор амалда намоён этди.

Муҳтарам ватандошлар!

Кириб келаётган янги – 2010 йилга мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб ном берганимиз бу йўналишдаги саъй-харакатларимизнинг узвий ва мантиқий давоми бўлди.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган энг улуғ мақсадимиз бўлмиш келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш жараёни, лўнда қилиб айтганда, тараққий топган ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига чиқиш вазифаси, табиийки, йиллар, балки ўн йилларни талаб қилади. Ва бу мақсад йўлида барчамизни белимизни қаттиқ боғлаб, қатъият ва фидойилик билан, астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Айни пайтда барчамиз яхши англаймизки, бундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш кўп жиҳатдан бугун унибўсиб келаётган, бизнинг давомчимиз, суянчимиз ва таянчимиз бўлган ёш авлоднинг зиммаси ва масъулиятига тушади.

Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни **жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.**

Бугун биз тузаётган ва қабул қилаётган узоқ муддатли дастурларимиз айнан мана шундай ўта муҳим ва устувор мақсад ва муддаоларимизга жавоб берган ҳолдагина биз мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, дунёда яккаю ягона бўлган Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини муносиб даражага юксалтиришга эришамиз.

Айни шу мақсадга қаратилган, узоқ ва давомли келажагимизни кўзлаётган, бугун амалга ошираётган улкан дастурларимизда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларимизни замонавий техника ва технология билан қуроллантириш масалалари билан бирга, энг замонавий ва кучли социал инфратузилмани барпо этиш борасида олдин бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, аҳолимизни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати доимо эътибор марказида туриши даркор.

2010 йилнинг давлат бюджети харажатларининг 59 фоиздан ортиғини айнан социал харажатлар ташкил этиши, фақатгина соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия соҳасига давлат харажатларининг 50 фоиздан зиёди йўналтирилганининг ўзи бунинг яққол тасдиғидир. Биргина тиббиёт соҳаси ривожи учун 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп демакдир.

Айтиш мумкинки, социал соҳа ривожига бундай эътибор дунёда камдан-кам давлатлар тажрибасида учрайди.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги – 2010 йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, Яратганимиз ўз паноҳида сақласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БОШ МАЙДОНДА АРЧА БАЙРАМИ

2010 йил – Баркамол авлод йили

ЙИЛЛАР – АСРЛАРНИНГ ОСТОНАСИДИР

Йилларидан қад олиб улғаяр йиллар,
Йиллар асрларнинг остонасидир.
Умрлар бўйи зор кутган замонинг –
Эрку Истиқлолинг замонасидир.

Темурхон наслидин султон Улуғбек –
Ҳазрат Навоийнинг таронасидир.
Бир тонгда ушалган асрий армонинг –
Темурий зотларнинг замонасидир.

Ярқираб турувчи Оқсарой мисол.
Кетмас давлатингнинг пешонасидир.
Шаъну шавкатинг ҳам давру давронинг –
Фахру ғуруринглнинг замонасидир.

Имом Бухорийдан дуолар келгай,
Тупроғинг валилар пирхонасидир.
Ўз юртига қайтган Карим Курьонинг –
Иймон – эътиқодинг замонасидир.

То абад сўнмагай ой билан қуёш,
Ҳар кунинг Оллоҳнинг шукронасидир.
Тоғдай кўкрагингга теккан осмонинг
Озод орзуларинг замонасидир.

Ўпай қўлларингнинг қадоқларидан,
Қўлларинг – меҳнатнинг дарсхонасидир.
Ўзингга буюрган ўз бағдой, нонинг –
Ризқу насибангнинг замонасидир.

Бунда Ватан дея ўсгувчи ҳар дил
Юртнинг бир қалъаси, кошонасидир.
Ору номусингдан қурган кўрғонинг –
Ўғил-қизларингнинг замонасидир.

Бахту толенинг кўп синовлари бор,
Истиқлол – миллатнинг шоҳномасидир.
Мангуликка қадар борар карвонинг –
Заҳматкаш халқингнинг замонасидир.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

2. Қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун масъул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимига кирувчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни топшириш ҳисобига ташкил этилади;

Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмаларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг топшириладиган тузилмалари штат сони ўрта ҳисобда 20 фоиз қисқаради.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча равишда қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юклансин:

фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

пенсиялар тайинланиши ва қайта ҳисоблаб чиқилишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъиян мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларни тўлашга маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига:

фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).

Қадр

Янги йил байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзоларини қабул қилиб, улар билан келгусидаги вазифалар юзасидан суҳбатлашди.

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

– Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган 2010 йилда ички ишлар идоралари сафида хизмат қилаётган ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашда Сиз азиз фахрийларимиз алоҳида ташаббус кўрсатишингиз зарур, – деди Баҳодир Аҳмедович.

ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғ. Раҳимов ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, ҳозирги кунда нафақага чиқиб, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган фахрийлар фаолияти ҳақида гапирди. Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида оқсоқоллик қилаётган ички ишлар идоралари фахрийлари, ўз ҳудудларида жиноятчиликка йўл қўймаётганларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Байрам ва бошқа қутлуғ кунларда дастурхон тўридан жой бериб, ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани учун вазирлик раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдирди.

Республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов фахрийларни Янги йил билан ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан самимий қутлади. Шу билан бирга, ички ишлар идоралари фахрийлари томонидан хайрли ишлар амалга оширилаётгани, бу келажаги буюк давлатимизнинг равнақи учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини айтиб, кириб келган 2010 йилда ҳам фахрийлар ўзларининг бой тажрибалари, билим, куч-қувватларини ёш авлодни Ватанга, халқимизга, Президентимизга содиқ этиб тарбиялашга сарф этишларини таъкидлаб, бу йилда барча фахрийларга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик тилади.

Учрашувда фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Фахрийларни қабул маросимида республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев ва бошқа раҳбар ходимлар иштирок этишди.

С. АБДУЛЛАЕВ.

Республикамиз вилоят ва шаҳар-туман ИИБларида бўлгани каби Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ раҳбарияти ҳам узоқ йиллар давомида ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққан фахрийларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келишяпти. Уларнинг бу хайрли ишларини шогирднинг устозга кўрсатаётган ҳурмати деб ифодалаш мумкин. Янги йил муносабати билан фахрийлар байрам дастурхонига таклиф қилиндилар.

ДИЛЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ...

Тадбирга Тошкент шаҳар ИИББ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник М. Абутов, фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги подполковник Н. Насирова ва бошқалар таклиф этилди.

Самимий суҳбатлар, кўрсатилаётган эътибор фахрийларни қувонтириб юборди.

– Туман ИИБ раҳбарияти доимо бирор байрам баҳона турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиб туришади. Ёрдамга муҳтож сафдошларимиз ҳам доимо уларнинг диққат эътиборида. Бизни эъзозлаётгани учун уларга катта раҳмат, умрларидан барака топишсин! – дейди истеъфодаги майор Комилбек Беккулов.

Бир пиёла чой устидаги суҳбат чоғида барча фахрийлар туман ИИБ раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Гули Нигор АВАЗОВА.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ шахсий таркиби ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, ходимлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларни яхшилаш, улар томонидан содир бўлиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида республика ИИВ ва вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши аъзолари иштирокида учрашув ўтказилди.

– Ҳар бир ходим, айниқса, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидагилар ўзига ўта талабчан бўлиши керак, – деди йиғилишда сўзга чиққан республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғ. Раҳимов. – Чунки бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам илм-фан, техника тез ривожланмоқда. Замондан ортда қолган киши ижобий ютуққа эриша олмайди.

Шунингдек, йиғилишда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник А. Мадаминов ва бошқа фахрийлар сўзга чиқиб, ўз хизмат тажрибаларидан гапириб бердилар.

Тадбирда кўп йиллар давомида вилоят ИИБ ЙҲХБда хизмат қилган бир гуруҳ ходимлар тантанали равишда нафақага кузатилди. Уларга миллий анъаналаримиз бўйича тўн кийдирилиб, совғалар топширилди.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,
майор.

Тошкент вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
Ф А Р М О Н И

ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни, хусусан пенсиялар ҳамда бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган қоидаларни қўлланиш қисмида уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш юзасидан қўшимча вазифалар юклансин.

5. Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тегишли бўлимлар ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси зиммасига:

янги тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши тўғрилигини, шу жумладан фуқароларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишонарлилигини текшириш йўли билан ёппасига текширувларни амалга ошириш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишловчи пенсионерларга пенсиялар ҳамда нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўланиши тўғрилигини режа асосида текшириб туриш;

фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан банк ва почта муассасалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қоидабузарликлар аниқланганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш;

тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган текширув ҳужжатлари ва хулосаларни, зарурат туғилганда, мустақил экспертларни жалб этган ҳолда такрорий экспертизаларни ўтказиш юзасидан қўшимча вазифалар юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 30 декабрь

Байрам тилаклари

— Бугун арча атрофида қувнаб ўйнаётган кичкинтойларни кўриб, беихтиёр болалигим ёдимга тушди. Шундай осуда, тўкин ҳаётда яшаётган ҳар бир ёш яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, юксак марраларни забт этишини истайман. Баркамол авлод йили барчамизга қутлуғ келсин. Ватан ҳимоясига шайланган ҳар бир инсоннинг йўли равон бўлсин. Тилагим, йилимиз баракали келиб, ҳеч бир хонадондан файзу барака аримасин.

Элимизнинг боши тўю байрамлардан чиқмасин!

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ артисти.

Шодиёна

БАЙРАМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТДИ

Республика ИИВ «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Ички ишлар вазирлиги ходимларининг фарзандлари учун ўтказилган арча байрами болажонлар қувончига қувонч, шодлигига шодлик қўшди.

Ўртада безатилган арча. Қорбобо ва Қорқиз болажонларга самимий табрик ва тилаклар билдиришди. Сўнгра кичкинтойлар ўзларининг шеър ва қўшиқларини ижро этиб беришди. Уларнинг зукколиги, билимдонлигини Қорбобо бирма-бир эътироф этди. Қувноқ куй-қўшиқлар ижро этилганида Қорбобо ва Қорқиз болажонларнинг қўлларидан ушлаб арча атрофини айланишди. Байрам тадбирини ташкиллаштиришда республика ИИВ ШТБИХ, ИИВ ашула ва рақс ансамбли ҳамда республика Ёш томошабинлар театри раҳбариятининг ҳиссаси катта бўлди.

Байрамнинг иккинчи қисмида эса кичкинтойлар учун республика Ёш томошабинлар театри томонидан «Кичик Мукнинг саргузаштлари» номли театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Кейин болаларга байрам совғалари улашилди. Жумладан, "ЖАР" спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошидаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларига Ўзбекистон Республикаси ИИВ «Постда», «На посту» газеталари ва «Қалқон», «Щит» журналлари Бирлашган таҳририятининг янги йил совғалари топширилди. Бирлашган таҳририят бош муҳаррири, полковник З. Неъматов совғаларни топшириб, тарбияланувчиларнинг аждодлар жасоратига содиқ қолиб, келгусида озод Ватанимизнинг мард, жасур посбонлари бўлишларини тилади.

Ўз мухбиримиз.
Суратда: байрамдан лавҳа.

ЭЗГУ ХАЁЛЛАР



Ҳар гал Янги йил келганида киши қаршингда янги бир эшик очилгандек ҳолатни сезасан.

Ҳар бир йил гўёки бир уй. Эски уйдан янги уйга кўчиш керак. Янги уй эскисидан ҳам ҳашамлироқ, чиройлироқ, ёруғроқ бўлиши орзуси ва ишончидан юрак ҳаяжонга тўлади.

2009 йил мен учун сермаҳсул ва қувончли йил бўлди. «Навоий ва рассом Абдулҳайр» асарим Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланди. Халқимиз, юртимиз, Юртбошимизнинг менга, менинг ижодимга, умуман маънавиятга, адабиётга кўрсатган ва кўрсатаётган меҳр-эътиборини қадрлайман. Оқлашга ҳаракат қиламан. Бизнинг ҳар биримиз учун шу юксак тушунчалардан азиз нарса йўқ.

Ҳар ким юртин, халқин севса, шунчалик севар,
Сўзда эмас, юракдаги унчалик севар.
Ҳаёт бўлсин фараҳли деб, бўлсин деб зевар –
Ойга шайдо бўлиб қолган Кунчалик севар.

Кўп йилдан буён Мустақиллигимизга бағишланган янги бир роман устида ишлаб келаман, асар ниҳоясига етай деб қолди. Насиб этса, кириб келган йилда ўқувчилар асар билан танишишади, деган умиддаман.

Барча газетхонларга, юртимиз, халқимизга юрагимда эзгу тилакларим кўп. Одамларимиз қалбида қандай яхши орзулар бўлса, янги йилда ижобат бўлсин. Янги йил барчамизга бахт келтирсин. Юртимиз ҳар қачонгидек осойишта, ҳаётимиз фараҳли, Ватан, халқ бахт-саодати йўлида ҳар биримизнинг ўз соҳамизда қилаётган меҳнатимиз унумли бўлсин.

Янги йил билан чин қалбдан табриклайман.

Сизларни табриклаётиб, хаёлимга қуюлиб келган ушбу сатрларни азиз юртдошларимизга туҳфа этгим келди:

ЯНГИ ЙИЛ ҒАЗАЛИ

Янги соат, янги кун, янги ҳаётдир Янги йил,
Янгидан қушлар каби ёзган қанотдир Янги йил.

Эски йилдан ўпкаланма, эскининг ҳам қадри бор,
Толган отга алмашинган янги отдир Янги йил.

Кунлар учқур, ойлар учқур, қалб тўла орзу-умид,
Янги шарбат косада, бир тоза тотдир Янги йил.

Бу жаҳонда байрам-у, меҳнат керак байрам учун,
Шу сабабдан, ҳар қадам янги саботдир Янги йил.

Халқни-ю, севгил Ватанни, зикр ила шукрона қил,
Куй-қўшиқ бўлсин Омон, нурли баётдир Янги йил.

Омон МУХТОР,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
Давлат мукофоти лауреати.

Тадбир

АКАДЕМИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

ИИВ Академиясида «2009 йил – Инсон ҳуқуқлари таълими йили: «Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти» кафедраси фаолияти» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси вакиллари, шунингдек, Академия профессор-ўқитувчилари ва Олий академик курслари тингловчилари иштирок этди.

Давра суҳбатини ИИВ Академияси бошлиғи, полковник, профессор А. Якубов кириш сўзи билан очиб, инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедрасининг ташкил этилиш тарихига тўхталди.

Маърузачи Академияда инсон ҳуқуқларидан дарс бериш тизими ва мазмуни ҳақида гапирар экан, ушбу жараён икки мустақил фан – «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» ҳамда «Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти» фанлари бўйича амалга оширилаётганини таъкидлади. Бундан ташқари, Қийноққа қарши конвенция, Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандартлари, Ҳуқуқ-тартиботни сақлаб туришда мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекслари бўйича махсус мавзулар Академия Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг ўқув дастурларига киритилганини таъкидлади.

Бу борада иккита алоҳида махсус курс – «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» ҳамда «Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти» фанлари бўйича таълим беришни ўз ичига олган методологик ёндашув – Академияда ишлаб чиқилган ва тажрибадан ўтган. Ушбу ёндашув ўзида инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва мазмунига, шунингдек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмига асосланган ҳолда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган.

Давра суҳбатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, профессор А. Саидов қизиқарли таклифлар билдирди. Жумладан, кафедра негизида республика олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларидан дарс бериш бўйича ресурс маркази ташкил қилиш зарурлиги, бу борада масофадан туриб ўқитиш усули катта имкониятларга эга эканлигини айтиб ўтди.

Сўнгра Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари таркибининг вакиллари инсон ҳуқуқларидан дарс бериш борасида тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ушбу тадбир доирасида Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига доир асосий халқаро шартномаларнинг қоидаларини бажаришга бағишланган рисолалар тўпламларининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ташкил қилинган тақдимоти бўлиб ўтди. Профессор А. Саидов китоблар тўпламини Академия кутубхонаси ва «Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти» кафедрасига тақдим этди.

Муроджон ТУРҒУНОВ,
подполковник.

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ – ОЛАМ ҚУВОНЧИ

Болажонларимиз учун севимли бўлган арча байрами республика ИИВ Хўжалик бошқармасига қарашли барча мактабгача таълим муассасаларида ҳам қизиқарли нишонланмоқда. Қайси бир гўшага борманг кичкинтойларнинг олам-олам қувончларига гувоҳ бўласиз. Пойтахтдаги 5-сонли «Наврўз» болалар боғчасида турли ўйинчоқлар билан байрамона безатилган арча жажжи ўғил-қизларга хуш кайфият улашди. Любовь Версина раҳбарлигидаги бир гуруҳ санъаткорлар Қорбобо, Қорқиз, Ялмоғиз кампир каби эртак қаҳрамонларини саҳналаштиришди. Қизиқарли саҳналарда болажонларнинг ўзлари ҳам иштирок этдилар. Шеър ва топишмоқлар айтган ўғил-қизларга Қорбобо совғалар улашди. Бундан ташқари, кичкинтойлар эртак қаҳрамонлари кийимида саҳнага чиқиб, ажойиб томошалар кўрсатишди. Ўғил-қизлар ижро этган қувноқ қўшиқ ва рақслар даврага янада файз киритди.

Суратда: арча байрамидан лавҳа.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

МАНЗУР БЎЛДИ

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган арча байрамига хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари таклиф этилдилар.

Болажонларнинг таассуротлари чексиз. Президент арчаси атрофида ўтган қувноқ ва беғубор лаҳзалар улар ёдида узоқ вақт ширин хотира бўлиб қолса ажабмас. Зеро, бир-бирига гал бермай она табиат ва Янги йилни қутловчи, Ватанни мадҳ этувчи шеърларни ёд айтган ўғил-қизлар чеҳрасидаги қувонч дилларни хушнуд этди.

Нигора РАҲИМОВА,
майор.

Навоий вилояти.

Миннатдорлик

ПОСБОНЛАРИМИЗГА ТАШАККУР!

Касбим оддий ўқитувчи. Бундан уч ой аввал турмуш ўртоғим билан бемор қизимни даволатиш учун Санкт-Петербург шаҳрига олиб бордик. Шифокорлар қизимни даволашга катта маблағ кетишини айтишди.

Уйга қайтгач, қариндош-уруғ ва таниш-билишлардан мўлжалдаги маблағларни тўплай бошладим. Лекин мен ишдалигимда номаълум шахс яшаш уйимга кириб минг машаққатлар билан тўплаган пулларимни ўғирлаб кетибди. Ушбу ҳолат ҳақида дарҳол Қорасув шаҳар милиция бўлимига мурожаат қилдим. Тўғриси, ўғирланган пулларимнинг топилишига ишонмагандим. Лекин ички ишлар ходимларининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари натижасида жиноятчи қисқа фурсатда аниқланиб, қўлга олинди. У муқаддам 4 марта судланган шахс эканлиги маълум бўлди. Жиноятчининг ушланиб, пулларимизни қайтарилишидан, айниқса, бемор фарзандим беҳад қувонди.

Ўз хизмат вазифасини шараф билан адо этаётган Қорасув ШМБ ходимларига ўзимнинг чексиз ташаккуримни билдираман. Илоҳим, эл корига яраб келаётган осойишталигимиз посбонлари асло кам бўлишмасин.

Зухрахон АКБАРОВА.
Андижон вилояти.

Ватан ўғлонларин унутмас

Инсон умри, у қанча яшаганлиги билан эмас, балки қандай яшаганлиги билан ўлчанади.

ЭЛИМИЗНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙСАН...

«Энди дадамсиз қандай яшаймиз? Ҳеч қачон отамизсиз ҳаётни тасаввур қилолмасдик. Меҳрибонлик ва ғамхўрликда дадамга ҳеч ким тенг келолмас эди. У дунёда биринчи рақамли меҳрибон дада эди...»

Ушбу мақолани ёзишдан аввал роса ўйландим. Ўлим ҳақлигини яна бир бор кўрсатди. Кечагина орамизда, сафимизда юрган йигит – Бахтиёржон Холмирзаев бугун орамизда йўқ. Унинг йўқлигига ҳамон ишонгим келмайди. Йўқ, Бахтиёр ўлган эмас, у мангуга тирик, дейман ўзимга-ўзим таскин бериб. У дўстларини, яқинларини ҳамда беш нафар фарзандининг юрагида, қалбида, умрларининг охиригача уларнинг сиймосида яшайди.

Мен Бахтиёр билан хаёлан суҳбатлашаман.

Бахтиёр, укажон! Сен тирик пайтингдаёқ мақтовларга, яхши баҳоларга лойиқ йигит эдинг. Аммо бундай латиф каломларни биз вақтида айта олмадик. Нега қадр қиёматга қолишини, унинг хотирага айланишини кутамиз, англамаймиз-а?!

Ўша куни, аниқроғи, 2009 йил 26 май куни хизмат вазифангни ўтаётган чоғингда террорчи «камизадзе» Сенинг ёнингга келиб, ўзини хотираларни эслашди. Оилада тўнғич фарзанд бўлганинг боис ҳам онангнинг ишонган суянчиғи, беш нафар ука-сингилларингнинг тиргаги, малҳами бўлиш учун ҳам улар олдига шошар эдинг.

Сен қирчиллама ёшингда ўз касбингга содиқ қолиб, шаҳид кетдинг!

Қасамёдига содиқ укам! Сен ўлганинг йўқ! Зурриёдларинг, давомчиларинг бор, юрагинг уларнинг юрагида уриб турибди!

Сенинг кулгуларинг сўнди, десалар – ишонма! Сўнгани йўқ. У болаларингнинг ҳар бир табассумида Сени ҳаммага эслатиб туради.

Кўзларинг тупроққа тўлди, десалар – ишонма! У мангуга порлайди. Айниқса, 88 ёшли муштипар қўшнинг Евдокия Михайловнанинг Сени эслаб йиғлаганларини кўрган инсон «унинг ўз ўғли ўлиб қолганми», – дейди.

– Бахтиёр ҳар йили туғилган кунимни ўз уйида ўтказиб берарди, – дейди у ўксиганча. – Бир ой аввал кўзларим кўрмай қолганда, операция қилдирди. Касалхонага ўзи ётқизиб, даволаниб бўлгунимча ҳар куни хабар олди. Жуда меҳрибон, қўли очиқ йигит эди. Ўз фарзандимдек эди-я! Афсус...

– Дадам бизнинг суянган тоғимиз эди, –

портлатганини эшитиб, турмуш ўртоғинг, фарзандларингнинг бошига осмон қулагандек бўлди, гўё. Уларнинг ҳам юраклари узилиб кетгандек бўлди. Кўзларидан дув-дув ёш оқаётган қизларинг – Ирода, Фарангиз, Мафтуна, Ўғилойлар юракларининг туб-тубига оғриқ кирди. Эндигина 3 ёшга қадам қўйган, Оллоҳдан тилаб-тилаб олган ўғлинг Нурмуҳаммад эса ҳар куни Сени сўроқлаб, «дадам қани?» – деганида, йиғламаган юраклар ҳам йиғлаяпти, ўртанмаган қалблар ҳам ўртанаяпти.

Севиб, севилиб турмуш қурганинг жуфти ҳалолинг Илтифотхон эса фарёд ила, ғам ила, нола ила, дард ила бўзлаб қолаверди. На илож. Осмон йироқ, ер қаттиқ. У энди икки оғир масъулиятни бўйнига олди.

Сен ҳақингда ҳамкасбларинг жуда яхши дейди қизи Фарангиз йиғлаганча. – У ҳаммамизга сизлаб гапирарди. Чиройли суратлар чизарди. Гулларни севарди. Хонаки гулларимизни кўп қаватли уйда яшаётган бўлишимизга қарамай, ўзи парваришларди. Дадажонимни жуда яхши кўрардик...

Капитан Бахтиёр Холмирзаевга ўлимидан сўнг Ватанимизнинг II даражали "Шон-шараф" ордени берилди. Ҳа, Бахтиёр шунга лойиқ эди. Мен жуда кўпчиликнинг қалбидан мангуликка жой олган Бахтиёр Холмирзаевнинг порлоқ хотираси, ёрқин сиймоси олдида, унинг ҳамиша яқинлари билан ёнма-ён юрган руҳи олдида "Сўнгги манзилинг нурга тўлсин", – дея, бош эгаман.

У энди қалбларимизда мангу яшайди.

Саида АҲМАДЖОНОВА.

Андижон вилояти.

Юксак мукофот соҳиблари

Гулистон шаҳридаги 4-мавзеда яшовчи бир кекса аёл шаҳар ИИБга келиб, юқори қаватдаги хонадондан тунда қўй-молларнинг овози эшитилиши ва безовта бўлиб ухлай олмаётганини айтади. Айримлар бу товушлар кекса аёлнинг хаёлига ўрнашиб қолган бўлса керак, деган фикр билдиради. Бироқ икки кун аввал бир фуқаронинг сигирим йўқолиб қолди, дея берган аризаси шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ ходимларини ҳушёр торттирди. Лекин кўп қаватли уйда сигир нима қилсин?! Шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ бошлиғи, подполковник Раимжон Орипов «Бу икки ҳолат бир-бирига боғлиқмасмикин?» деган хаёлга боради ва ўша манзилга тезкор гуруҳ юборилади.

УСТОЗГА ЭРГАШГАН КАМ БЎЛМАС

Айтилган манзилга борганларида бошқа қўшнилар ҳам кекса аёлнинг гапини тасдиқлашди. Фурсатни бой бермай ходимлар хонадон эшигини тақиллатишади. Ичкаридан ҳеч ким жавоб бермайди. Ходимлар қўшнилардан бири эканлигини айтишгач, эшик очилади. Хонадонга кирган ходимлар у ердаги манзарани кўриб ҳайратланиб қолишади. Чунки хонадон қассобхонага айланганди. Бир томонда молнинг калласи, териси, оёқлари, иккинчи томонда бўлакланган гўштлар. Ошхонада эса катта қозон қайнаяпти.

Маълум бўлишича, эр-хотин Гарифуллинлар фуқароларнинг қўй-эчкиларини ўғирлаб келиб, хонадонда сўйиб, гўштидан сосиска тайёрлаб сотишар экан. Навбатдаги ўлжа – сигир бўлган экан. Ҳайвонни бир амаллаб юқори қаватга олиб чиқиб, сим билан бўғиб ўлдириб, кейин сўйган ва гўштини пиширишаётган экан.

– Жиноят қидирув хизматида ана шундай кутилмаган воқеа ва ҳодисалар кўп учрайди, – дейди подполковник Р. Орипов. – Айтарли из қолмаган жиноят тепасига борганда ҳам кўнгилни жиз эттириб бир хаёл ўтади. Устозларим ҳам буни кўп таъкидлашар эди.

Подполковник Раимжон Орипов кўп йиллардан бери жиноят қидирув хизматида ишлайди. У кўплаб жиноятчиларни қўлга олишда, уларнинг кирдикорларини аниқлашда иштирок этди. Ҳар гал жиноят фош этилганда унинг тажрибаси ортиб бораверди. Бугунги кунга келиб энг маҳоратли ходимлар қаторида тилга олиняпти.

– Ўшанда еттинчи март куни эди, – дея эслайди Р. Орипов. – Янгиер – Гулистон йўлида қотиллик содир этилгани ҳақида хабар келди. Ука ўз акасини отиб қўйгач, қочиб кетган экан. Устозим Парда ака Жумаев (марҳум) бошчилигида жиноят содир этилган жойга етиб бордик. Воқеа тафсилотини ака-ука билан бирга машинада келаётган аёллардан бири гапириб берди. Бу икки аёл ака-уканинг жазмани бўлган. Ширакайф ака укасининг жазманига тегажоғлик қилади. Рашки келган ука акасини отиб ташлайди. Ука ҳам маст бўлган. Унинг қаерга бориши ҳақида тахминий маълумот олиб қидирувни бошладик. Янгиер шаҳри, Боёвут, Ховос туманларига бордик. Қотилнинг қариндош-уруғларини суриштирдик. Устоз ҳам биз билан бирга бўлди. Тонгга яқин қотилни топдик. У айнан жазманининг уйида яшириниб ётган экан. Бу ака-ука биз кўпдан бери изига тушолмаётган талончилар экан. Уларнинг кўплаб кирдикорлари фош бўлди.

Эрталаб устоз Парда ака Жумаев қўлида бир даста гул билан кириб келди. Биз ҳайрон бўлиб тургандик.

– Хизматларинг учун катта раҳмат! Бу гуллар сизларни кутиб, мана шундай машаққатли хизматингизга чидаётган рафиқаларингиз учун, – деди.

Шунда мен бу хизматни танлаб адашмаганимни ва ана шундай меҳрибон устозларим борлигидан қувониб кетдим.

Раимжон Орипов устозлар ўгитларига амал қилиб кам бўлмади. Улардан хизматнинг сир-асрорларини ўрганди. Халқимиз от изини той босар, деб бежиз айтмайди. Подполковник Раимжон Орипов ҳам ана шундай ўғиллардан биридир. Отаси Рауф ака Орипов узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган. Акаси Равшан Орипов ҳам кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган, ҳозир нафақада.

Эл-юрт олдидаги сидқидилдан қилинган меҳнат эътиборсиз қолмайди, албатта. Президентимизнинг Фармонига биноан Сирдарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚҚБ ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили, подполковник Раимжон Орипов Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

– Бу мукофот мен билан бирга устозларим, ҳамкасбларимга ҳам берилган, деб ҳисоблайман, – деди Р. Орипов. – Менинг мана шундай даражага эришишимда уларнинг хизматлари катта. Бунинг учун аввало, уларга раҳмат айтаман.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Сирдарё вилояти.



АЪЛО ХИЗМАТГА МУНОСИБ БАҲО

Дунё яралибди-ки яхшилик ёмонлик билан курашиб келади. Нур билан зулматнинг бу кураши боқийдир. Бироқ ҳамма ерда, барча вақт яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қозонади. Бугун сизга хизматларини ҳикоя қилмоққа чоғланганимиз, қаҳрамонимиз Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 5-батальон 3-отряд милиционер-ҳайдовчиси, катта сержант Абдусамат Тожибоевдир. Унинг ҳам тинчлигимиз, осойишталигимиз таъминланишида муносиб ҳиссаси бор.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилиб камол топган Абдусамат мактабда яхши ўқиди. Тарих, биология, география каби фанларни сидқидилдан, меҳр қўйиб ўқиётган бу ўқувчини барча ўқитувчилари яхши кўрарди.

Мактабни тугатиб, ҳайдовчилик курсига ўқиётган Абдусамат аканинг орзулари осмонлар қадар эди. Йигитлик бурчини ўтаб келиб, амаки, тоғалари сингари эгнига форма кийиб эл-юрт тинчлигини, осойишталигини асрашни, ота-онасини ардоқлаб, укалари, синглисига бош бўлиб, бир аҳил оила бунёд қилмоқни ният қилган эди. Ниятинг — йўлдошинг, дейди доно халқимиз. Армия хизматидан тобланиб қайтгач, 1995 йилда ички ишлар идорасига кириш истагида ариза берди. У илк хизматни Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 5-батальон 3-отряди милиционери лавозимидан бошлади. Йиллар ўтгани сайин унинг маҳорати ортиб борди, устозларига муносиб шогирд бўла олди. Жамоанинг ишончини қозона олгач, унга милиционер-ҳайдовчи лавозимини ишониб топширдилар.

Хотира кунига атаб ўтказиладиган марафонларда бир неча марта фахрли ўринларни эгаллаган А. Тожибоев спортнинг каратэ, футбол тури билан мунтазам шуғулланди.

– Устозларим Ашрафхўжа Саидхўжаев ва Олим Жакаевнинг ўгитларини бир умр ёдимдан чиқармайман. Ички ишлар идоралари ходими камтар, одамларни хурмат қилишни, хушмуомала бўлиши лозимлигини кўп уқтиришарди, – дейди катта сержант А. Тожибоев.

Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади, албатта. Ўшаларни сабот билан енга олган кишигина жамоадошлари ўртасида обрў қозонади. Ҳайдовчиликнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари, қатъий талаблари бор. Касбининг сир-асрорини уқий олган кишигина малакали мутахассис бўлади.

Ўз хизмат ҳудудини текшириб юрган Абдусамат ака югуриб кетаётган кишини кўриб қолди. Машинадаги ҳамкасбларидан бирига унинг йўлини тўсиб чиқишни буюрди ва ўзи ҳам ўша кимсанинг ортидан югурди. Узоққа қочиб кетишга улгурмаган ҳалиги одамга етиб олишди. Қўли қон, кўз қарашлари безовта кимса ходимларни чалғитишга уринди. Бироқ ички сезги унинг бекорга чопиб кетмаётганини айтиб турарди. Гумондор тариқасида унинг кимлигини, нега югуриб борётганлиги, қўли нима сабабдан қонлигини суриштиришаётган вақтда ҳалиги кишининг чўнтагидаги уяли телефони жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарган А. Тожибоев ўзини таништириб нега бу рақамга қўнғироқ қилганини сўради. Шунда гўшакнинг нариги томонидан аёл кишининг овози келади: «Бу менинг қайним бўлади. Ҳозиргина бир кишини пичоқлаб қўйди, илтимос уни қўйиб юборманглар...» Ана шундай қилиб битта қотиллик «иссиқ изида» очилди. Абдусамат аканинг иш жараёнида бундай воқеалар кўп бўлган.

Абдусамат аканинг шогирдлари устози ишончини оқлашга, у кишидек ўз касбининг маҳоратли ходими бўлишга интилади. Сафдошлари эса уни ҳурмат қилади.

Сержант Баҳодир Умаров: «Абдусамат ака билан салкам 15 йилдан бери бирга хизмат қиламан. Жамоа орасида ўз обрўси бор. Ишига меҳри жуда баланд. Уни таниганимдан бери хизматга бир дақиқа кечикиб келган кунини эслолмайман. Жамоадагиларнинг бирига ака, бирига укадек бўлиб қолган. Жуда камтар, хушмуомала инсон.

– Абдусамат намунали ходимларимиздан бири. Ўз касбининг баланд-пастини жуда яхши билади, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 5-батальон командирнинг шахсий таркиб бўйича ўринбосари, майор Қадамбой Рўзимов. – Хизмати давомида бирорта ҳам танбеҳ олмаган. Одамгарчилиги, барчани бирдек ҳурмат қилгани сабабли жамоадошлари ҳам уни яхши кўради.

Осойишталик улуғ неъмат. Уни сақлашга муносиб ҳисса қўшаётганлар, тинч ҳаётимизга рахна солмоқчи бўлганларга қарши курашаётганлар хизмати эса доимо эътибор ва эътирофда. Шу сабаб, катта сержант Абдусамат Тожибоев Юртбошимизнинг Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Гули Нигор АВАЗОВА
«Постда» газетаси мухбири.
Суратда: катта сержант А. Тожибоев.

Эҳтиром

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

Байрам кунлари, қутлуғ айёмларда кўнгли ўксикларни йўқлаш, ҳолидан хабар олиб, совғалар бериш халқимизга хос олижаноб фазилатлардан биридир. Қадимдан давом этиб келаётган бундай савобли ишлар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Анъанага мувофиқ республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига Янги йил совғаларини ташкиллаштиришди. Айём арафасида вазирлик ШТБИХ ходимлари уларнинг оилаларидан хабар олиб, байрам совғаларини топширдилар.

Суратда: ИИВ ШТБИХ катта инспектори, подполковник Ҳ. Ҳожихонов хизмат пайтида ҳалок бўлган марҳум подполковник Бахтиёр Назаров хонадонида.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

«Тозалаш-Антитеррор»

Самарқанд вилояти ички ишлар идоралари ходимлари фаол қатнашаётган «Тозалаш-Антитеррор» тадбири Янги йил шодиёналари тинч ва осойишта ўтишга қаратилган. Шу мақсадда аҳоли гавжум жойлар текширувлар ўтказилаяпти. Натижада ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, улардан 45 миллион сўмдан ортиқ миқдорда жарима ундирилди.

ТИНЧЛИКНИ УЛУҒЛАБ...

Паспорт-виза қоидалари бўйича жами 5 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, қонуний чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиб-қоидаларини бузган 30 нафардан ортиқ чет эл ва МДҲ фуқаролари мамлакатимиз ҳудудидан чиқариб юборилди. Доимий яшаш жойидан узоқ муддатга кетган 500 нафардан ортиқ шахс аниқланди ва яқинлари билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, назоратга олинди.

Ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлар давомида 4 нафар бедарак йўқолган шахс топилди. Бундан ташқари, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланиши билан боғлиқ 50 та ҳолат аниқланиб, гиёҳфурушлардан 250 килограммдан ортиқ оғу олинди.

Тадбир давомида аввал содир этилиб, очилмай қолган 20 тага яқин жиноят фош этилишига эришилди. Вилоят ҳудудида мавжуд ЙПХ масканлари ва блок-постларда 120 мингтадан зиёд автомобиллар текширилиб, ноқонуний юк олиб кетаётганларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Юрт тинчлиги – улуғ неъмат, барқарор тараққиёт гаровидир. Шу боис халқимиз тинчликни улуғлайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакатдагина илм-фан, маданият юксалади, бунёдкорлик ишлари ривож топиб, юрт гуллаб-яшнайди. Бунинг учун эса ҳар бир фуқародан ҳушёрлик, огоҳлик ва фаоллик талаб этилади.

Ш. БУРҲОНОВ,
майор.

Самарқанд вилояти.

ТАДБИР НАТИЖАЛАРИ

Айни пайтда «Тозалаш–Антитеррор» тезкор профилактик тадбирини уюшқоқлик билан ўтказаётган Қашқадарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширишмоқда.

Тадбир бошлангандан буён 398 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди, шунингдек муқаддам содир этилган 19 та жиноят очилди. Албатта, бундай натижага ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Осойишталик посбонларининг кунларни тунларга улаб, кенг жамоатчилик вакиллари билан олиб бораётган ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлик омили бўлаётир. Жумладан, жорий йилнинг 10 декабрь куни Яккабоғ тумани ИИБ ходимлари оғу сотишга уринган икки нафар шахсни қўлга олишди. Туманда яшовчи Ш. Ж. вояга етмаган Б. Н. билан тил бириктириб, 3,4 грамм марихуанани «харидор»га 8000 сўмга пуллаётган пайтда қўлга олинди. Бундан ташқари, Нишон тумани ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирда Гулистон қишлоғида яшовчи У. И. нинг уйидан «Иж» русумли, 16 калибрли ов милтиғи топилди. Қарши тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилаётган «Қидирув» тадбирида жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган У. Қ. қўлга олинди.

Тадбир давомида жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган 34 нафар шахс ушланди. Шунингдек, фуқароларда ноқонуний равишда сақланаётган 38 та ўқ отар қурол олинди. Аҳоли ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида касбилик Б. Дилшод ўз ихтиёри билан марҳум бобосидан қолган ўқ отар қуролни ички ишлар бўлимига келтириб берди.

Ҳозирда шаҳар ва туманларда бўлиб ўтаётган учрашувларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида нотинч оилалар, муқаддам судланганлар билан назорат тартибида тушунтириш ишлари олиб давом эттирилмоқда. Шунингдек, яшаш жойидан узоқ муддатга кетиб қолган шахсларнинг манзили яқинлари орқали аниқланиб, қайтиб келган фуқаролар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилаяпти. Бу борада жойларда тарғибот гуруҳлари ҳамкорликда иш юритмоқда.

Аҳоли иштирокида бўлиб ўтаётган йиғилишларда ҳушёрликни ошириш, паспорт тартиботи, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш борасида ҳам тушунчалар берилмоқда.

Адҳам ҲАМИДОВ,
лейтенант.
Содиқ РАҲИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Қашқадарё вилояти.

Профилактика хизмати

ЭЛ ТИНЧЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Беруний тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Шуҳрат Еримбетовга мақсадимизни баён этганимизда бизни Ҳамза номли ва Пахтакор маҳаллаларида фаолият олиб бораётган профилактика инспектори, лейтенант Усмон Кенжаев билан таништирди.

– Одатда аёллар эрлари устидан шикоят қилишарди. Пахтакор маҳалласида яшовчи Жуманиёз турмуш ўртоғи Фотиманинг устидан ариза ёзибди, – деди у ва қўлидаги бир даста қоғозларга қараб қўйиб, яна гапида давом этди. – Аризачининг маълум қилишича, хотини уни менсимас, фарзандлари олдида куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилар экан. Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги яраштириш комиссияда ушбу масалани атрофлича кўриб чиқишга уриниб кўрдик. Афсуски, фойдаси бўлмади. Ҳозир маҳаллага бориб яна шу мавзуга қайтмоқчимиз. Агар хоҳласангиз йиғилишда сиз ҳам иштирок этинг.

Маҳалла маъмурий биносида тегишли одамлар тўпланган экан. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раъно Каримова эр-хотин ўртасида келиб чиққан низо ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида қисқача ахборот бериб, яна бир бор оила аъзоларини тотувликни сақлаб қолишга чақирди. Фотима хонадон ўзининг номида эканлигини айтиб, хоҳлаган пайтда эрини кўчага ҳайдаб чиқаришини ҳеч тап тортмай гапирди. Эри эса уни асло кечирмаслиги, хотинига нисбатан тегишли чора кўришларини сўради. Шундан кейин профилактика инспектори, лейтенант Усмон Кенжаев ҳар иккаласига мавжуд қонун-қоидалар тўғрисида етарли тушунча бериб, тайёрланган ҳужжатларни судга ўтказишини маълум қилди.

Йиғилиш тугаб, профилактика инспектори бизни Ҳамза номли маҳаллага бошлади. 63-мактаб ёнидан ўтаётганимизда тўпланиб турган ўқувчиларни кўриб, лейтенант тўхтади. Ариқдаги барглар уюми устида 30-35 ёшлар чамасидаги бир киши лойга беланган ҳолда, сўкиниб ётарди. Томошаталаб болалар унинг хатти-ҳаракати ва бемаъни гапларидан қиқирлашиб кулишарди. Профилактика инспектори уни ўрнидан турғазмоқчи бўлганида:

– Бировнинг уйида эмас, ҳеч кимга озорим тегмайдиган жойда ётибман-ку. Нега мени безовта қиласан? – деб қаршилик кўрсатмоқчи бўлди. Лекин Нукус педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олган лейтенант Усмон Кенжаевнинг омбурдек қўлларидан чиқиб кета олмади.

– Вақтида етиб келдингиз, ҳозир сизга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб тургандим. Бола-чақали одамнинг кўча-кўйда маст ҳолда юриши айниқса, ёшларда ёмон таассурот қолдиради, – деди мактаб директори Холбой Жумақов. Профилактика инспектори ичиб олган фуқаро – Саидни тиббий кўрикдан ўтказиб, унга нисбатан маъмурий баённома тўлдирди.

Ҳамза номли маҳаллага борганимизда маҳалла оқсоқоли Шерипбой Ражапов гузардаги қурилиш ишларига бош-қош экан.

– Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини янада кенгайтираяпмиз, – деди у тўлқинланиб. – Президентимизнинг 2010 йилни Баркамол авлод йили деб эълон қилгани айни муддао бўлди. Чунки ҳар бир киши фарзандининг камолини кўришга ҳаракат қилади. Юртимизда ёшларнинг истиқболи учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Биз ҳам бу хайрли ишдан четда қолмаслик мақсадида тўйхона, новвойхона, сартарошхона, этикдўзлик ва тикувчилик цехларини қуриб битказдик. Айни кунларда пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур қурилишлар хусусий тадбиркорлар ҳомийлигида ва ҳашар орқали амалга оширилаётгани айниқса эътирофга лойиқ.

– Ёмон кўзлардан асрасин, ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик нафақат маҳалла, балки оилаларимиз фаровонлигига ҳам пухта замин яратмоқда. Сартарошлик қилиб рўзғор тебратаман. Фарзандларим Ойбек ва Адилбеклар ҳам менинг ишимни давом эттиришаяпти. Бу янги сартарошхонада яна бир ўғлим Алишер иш бошлайди, – дейди олтмиш ёшни қоралаб қолган Хўжаниёз ака Юсупов.

Лейтенант Усмон Кенжаев иш режасига асосан паспорт тартиботи бўйича хонадонларни айланди. Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан тижорат мақсадида келган Маъмур исмли шахснинг вақтинча рўйхатдан ўтмай яшаб юрганлиги маълум бўлди. Профилактика инспектори унга ҳам тегишли тартибда чора кўрди. Милиция таянч пунктига келганимизда, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Қурбонбой Ражапов профилактик ҳисобга олинган шахслар кутиб туришганини айтди. Гиёҳвандлик ва ўғирлик каби жиноятлар содир этиб, жазони ижро этиш муассасасидан амнистия шарофати билан оиласи бағрига қайтган Марат Пиримбетов ва Махсуд Худойбергановлар билан профилактика инспектори одатдагидек суҳбат ўтказди. Кейин бизни истараси иссиқ бир аёл билан таништирди.

– Бу менинг бошланғич синф ўқитувчим Хотира опа Отажанова бўладилар.

У киши ҳам шогирди ҳақида тўлқинланиб, илиқ фикрларни айтди.

Пахтакор маҳалласида 1932 нафар, Ҳамзада номли маҳаллада эса 3125 нафар аҳоли истиқомат қилишини ҳисобга олсак, профилактика инспекторининг иши нечоғли масъулиятли эканини ҳис қилиш қийин эмас. У чет давлатларга ишлаш учун кетганлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг аниқ ҳисобини юритиб боради. Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилинаётгани ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Ўтган икки йил давомида мазкур маҳаллаларда ўғирлик ёхуд оғир жиноятларнинг қайд этилмагани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ,
ўз мухбиримиз.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Навоий шаҳрининг гўзал қиёфасига кўрк қўшиб турган "Саховат" акциядорлик жамиятига қарашли марказий деҳқон бозори ҳамда буюм бозори кейинги пайтда чирой очиб, харидорлар учун бир қатор қулайликлар яратилди. Деҳқон бозори қайта реконструкция қилинди, буюм бозори эса замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Олти ярим гектар майдонни эгаллаган марказий деҳқон бозорида 1600 дан ортиқ савдо шохобчалари, павильонлар мавжуд бўлиб, бир кунда 15 мингга яқин харидор ташриф буюради. Дам олиш кунлари эса бу кўрсаткич 20 мингдан ошиб кетади. 1700 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари бўлган буюм бозорига эса 4-5 минг киши келиб кетади. Ана шундай аҳоли гавжум маъмурий ҳудудга хизмат кўрсатувчи 5-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Завқиддин Рамазонов ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам чуқур мушоҳада юритиб иш кўраётган бу осойишталик посбони хушмуомалалиги, фуқаролар дардини эшитиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатаётгани боис ҳурмат-эътибор қозонаяпти.

ОБОД ҲУДУДДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК



Завқиддин Рамазоновда ички ишлар ходими бўлиш орзуси болалигидаёқ уйғонган. У Баҳовуддин Нақшбанд номли маҳаллада жойлашган тергов ҳибсхонаси ходимларининг хизмат кийимини батартиб кийиб, шахдам қадамлар билан уйи яқинидан ишга ўтишини кузатиб, кўнглида ана шундай истак туғилган эди.

1998 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига ҳужжат топширган З. Рамазоновга омад кулиб боқмади. У бундан тушкунликка тушмай, келгуси йили Бухоро давлат университетининг жисмоний тарбия ва ҳарбий тайёргарлик факультетига ўқишга кирди. Дипломни қўлга киритгач, ички ишлар идорасидаги дастлабки фаолиятини Навоий шаҳар ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспекторлигидан бошлади.

У профилактика инспектори, капитан Отабек Елибаевдан хизматнинг сир-асрорларини мукаммал ўрганиб, ўзига бириктирилган ҳудудда вояга етмаганлар томонидан содир этилган бир қатор жиноятларни бевосита очишга эришди.

10-кичик туманда жойлашган компьютер ўйинлари ҳисобидан тўрт дона компьютер жамланмаси ўғирлаб кетилади. Лейтенант З. Рамазонов мазкур жиноят ўсмирлар томонидан содир этилган, деб тахмин қилади ва профилактик рўйхатда турувчи вояга етмаганлар билан иш олиб боради. Унинг тахмини тўғри бўлиб чиқади. Ушбу ўғирликка ака-ука Асқаров ҳамда А.Мақсудов қўл урганини аниқлаб, жиноятни «иссиқ изида» фош этишга эришади.

Лейтенант З. Рамазонов фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ходимдаги қизиқиш ва шижоатни кўрган ИИБ раҳбарияти уни профилактика инспекторлигига тавсия қилишади. Мана икки йилдирки, Завқиддин ҳозирги лавозимида хизмат қилиб, ҳар икки бозорда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши курашиб келмоқда. Тинимсиз меҳнати самараси ўлароқ, ҳудудда жиноятчилик ўтган йилга нисбатан камайишига эришилди.

– Бошқа жойларга қараганда бозорда хизмат олиб бориш ходимдан кўпроқ меҳнат талаб қилади. Чунки маҳаллада истиқомат қилаётганлар бирбирини яхши танийди, уларнинг феъл-атворини иш жараёнида ўрганиб олиб, шунга қараб иш тутасиз. Бозорга эса ҳар куни қўшни вилоят ва туманлардан тадбиркорлар ҳамда харидорлар ташриф буюришади. Шу боис доимий равишда улар орасида бўлишга ҳаракат қиламан, – дейди лейтенант Завқиддин Рамазонов.

Юртдошларимиз осойишталигини сақлашга астойдил бел боғлаган бу осойишталик посбонини ўз касбига бўлган садоқат ҳисси асло тарк этмасин.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,
катта сержант.
Навоий вилояти.

Байрам тилаклари

2009 йил биз учун омадли келди. Туман ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни иссиғида фош этиш, шу йўл билан вазият барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ишончли муҳофаза этишда бир қатор муваффақиятларни қўлга киритдик.

Энг катта ютуғимиз шу бўлдики, йил давомида олиб борилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз туфайли халқимизнинг ички ишлар идоралари ходимларига бўлган ишончи ошди.

Якунланаётган йил шахсан менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирди. Ички ишлар идоралари ходимларининг анъанавий байрами арафасида камтарона хизматларим инобатга олиниб, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирландим.

Янги йилдан ҳам умидларим катта. Энг аввало, юртимиз тинч, халқимиз дастурхони тўкин бўлсин. Қалбларимизда жўш ураётган орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин.

Аъзамжон КАЛОНОВ,
Данғара тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ТЕЗЛИКНИ ОШИРИШ ОҚИБАТИ

Бухоро шаҳар ИИБ ЙҲХБ ходимлари "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги" давомида асосий эътиборни болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратишган. Шунингдек, транспорт ва пиёдалар ҳаракати серқатнов бўлган йўлларда назорат кучайтирилди. Аҳоли ўртасида, маҳаллалар, меҳнат жамоалари ҳамда умумтаълим муассасаларида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари давом этмоқда.

Тадбир намунали ўтишини таъминлаш ва олиб борилаётган ишларни аҳолига етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари, республика, маҳаллий ва нотижорат телетармоқлар имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Улар орқали мунтазам равишда кўрсатувлар, видеороликлар эфирга узатилмоқда. Тадбирнинг ўтган даври мобайнида меҳнат жамоалари, маҳаллалар ва ўқув муассасаларида суҳбатлар, тушунтириш ишлари ўтказилди. Қоидабузарликка йўл қўйган 8 нафар пиёда маҳаллаларда, 1 нафар ўқувчи эса ўзи таълим олаётган мактабда муҳокама қилинди.

Шаҳар ИИБ ходимларидан иборат гуруҳлар томонидан тадбир бошидан буён 400 дан ортиқ йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолати аниқланди. Шулардан 320 таси қўпол қоидабузарлик, 11 таси автомашинани маст ҳолда бошқариш ташкил этади. 20 та ҳолатда эса айнан пиёдалар йўлда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилишмаган.

Ўтказилган рейдлар давомида Бухоро шаҳрининг Пиридасгир кўчасида Х. Муҳитдин бошқарувидаги "ВАЗ-2106" русумли автомашина тўхтатиб текширилганда ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақмагани етмагандек, автомобилни маст ҳолда ҳайдаётгани аниқланди. Ёки Қоракўл туманида С. Умид "ВАЗ-2106" русумли автомашинасини белгиланган тезликдан оширгани учун тўхтатилди. У ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилган экан.

17 декабрь куни Бухоро шаҳридаги Навоий шоҳ кўчасида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. 17 ёшли Р. Ситора йўлни кесиб ўтаётган пайтда Ф.Фарҳод "ВАЗ-2106" русумли автомашинасида уни уриб юборади. Натижада Р. Ситора тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади. Пиёда ҳаракатланиш қоидасини бузганлигини рад этиб бўлмайди. Лекин ҳайдовчи ҳам белгиланган тезликни оширмай машина бошқарганда, кўнгилсиз ҳодиса рўй бермаслиги мумкин эди.

Шаҳардаги йўловчи ташиш фаолияти билан машғул бўлган айрим уюшма ва корхоналар мутасаддилари ҳайдовчилар ўртасида ҳаракатланиш хавфсизлигига амал қилиш борасида етарли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмаяпти. Шунинг учун ҳам бевосита йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузилишига йўл қўйишаяпти. Масалан, 51-йўналишда қатновчи Б. Ҳайит "ГАЗ-3221" русумли автомашинасида Абу Нафс Кабр кўчасидаги айланма йўлдан ўтиш қоидасини бузган. 56-йўналишда қатнаётган Қ. Шариф бошқарувидаги "Мерседенц-Бенц" русумли автомашина тўхтатилганда ўриндиқлар меъёрдан ортиқча бўлиб, ўзбошимчалик билан қайта жиҳозлангани маълум бўлди.

Бундай мисолларни афсуски яна келтириш мумкин. Тадбирнинг ўтган даврида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситалари томонидан 65 ҳолатда ҳаракатланиш қоидаларининг бузилганини кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Камчиликларга эга, шунингдек, қоидабузарликка йўл қўйган 130 нафар ҳайдовчининг транспорт воситаси жарима майдонига киритилди. Қоидабузарларга нисбатан маъмурий тартибда чоралар кўрилди.

Олиб борилаётган ишлардан кўзланган мақсад битта. У ҳам бўлса инсонлар ҳаётини асраш, уларнинг бевақт кўз юмушларига йўл қўймасликдир.

Ашраф РЎЗИЕВ,
майор.
Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.
Бухоро вилояти.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ инспектори, катта сержант Рустам Ортиқов зиммасидаги вазифаларни шараф билан бажараяпти.

Суратда: катта сержант Р. Ортиқов А. Темур – Нукус кўчалари кесишган чорраҳада хизмат пайтида.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Йўлларимизда транспорт оқими кун эмас, соат сайин ортиб бораётир. Уларнинг ҳаракатини бошқариш, ҳайдовчию йўловчи, пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шу билан бирга, транспорт воситаси шикастланишига йўл қўймаслик муҳим вазифадир. Республикамизда ўтказилаётган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги»дан кўзланган мақсад

ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Маълумки, ҳар бир ишнинг дебочаси тушунтириш, тарғибот-ташвиқот юритишдан бошланади. Шу маънода ойликнинг мазмун-моҳияти ҳақида Андижон шаҳар ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан барча корхона, ташкилот, уюшма, олий ва ўрта таълим масканлари, маҳаллаларда 100 га яқин учрашув, суҳбатлар ҳамда мулоқотлар уюштирилди. Тадбирлар чоғида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузган ҳайдовчилар, содир этилган нохуш автоҳалокатлар муҳокама этилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш йўл ҳолатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Масаланинг шу томони доимий диққат эътиборда. Ўтган вақт мобайнида 200 километрдан ортиқ йўл кўрикдан ўтказилди. Таъмирталаблари аниқланиб, мутасадди ташкилотларга камчиликларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар юборилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Андижон шаҳрида 116 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди. Натижада 7 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди, 243 нафари эса турли даражада тан жароҳати олди. Ушбу кўнгилсиз ҳодисалар таҳлили шуни кўрсатдики, автомобиль бошқараётган ҳайдовчи ёки йўлда кетаётган пиёданинг озгина бепарволиги ёки амалдаги тартиб-қоидаларни менсимаслиги мазкур нохушликларни келтириб чиқараяпти.

Шунинг учун доимо ҳушёр бўлиб, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилайлик. Тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш сизу бизнинг йўллардаги ҳаракатланиш қоидаларига тўла риоя этишимизга боғлиқ эканлигини асло унутмаслик зарур.

Раҳимжон ОРИПОВ,
сержант.
Азизхон БУЗРУКОВ.
Андижон вилояти.

Болаларингизга ўқиб беринг

ЗЕБРАЧАНИНГ САРГУЗАШТИ

Кичкина Зебражон Янги йил арафасида Қорбобога хат ёзишга қарор қилди. Ва хатни кўтариб, умрида биринчи марта шаҳар кўчалари томон йўл олди.

У автомобилларнинг кўплигидан кўчада адашиб қолди. Зебрача ўзига энг яқин турган Светофор амакига мурожаат қилди:

– Мен Қорбобога хат ёздим. Лекин адашиб қолиб, почтага қандай бориш кераклигини билмаяпман. Светофор амаки унга:

– Яхши. Қўрқма. Мен сенга йўлни кўрсатаман. Аввал катта йўлдан ўтишинг керак. Бунинг учун светофордаги яшил одамча туширилган чироқ ёнишини кутамиз. Кўраяпсанми? – деди.

– Ҳа, – деди Зебрача.

– Энди йўлдан ўтишинг мумкин.

Зебрача хурсанд бўлиб йўлдан ўтди ва автобусга ўтирди. Керакли жойга етганда автобусдан тушди. Ва яна йўлни кесиб ўтиши керак бўлди. Яқин орада яшил одамча туширилган светофор кўринмагач, Зебрача яна Светофор амакини ёрдамга чақирди. Светофор амаки унга бундай ҳолатда ер ости йўлини қидириши кераклигини айтди.

Зебрача ер ости йўлидан ўтиб, почтани ахтариб кета бошлади. Почта биноси йўлнинг нариги томонида эди. Зебрача у ёқ, бу ёққа аланглаб, яшил одамча чизилган чироқни ёки ер ости йўлини қидирди. Лекин йўлга чизилган оқ-қора чизиқлардан бошқа ҳеч нарса тополмади. У ҳайрон эди. Энди йўлдан қандай ўтади? Ёрдамга яна Светофор амаки келди. У Зебрачага:

– Хафа бўлма, кичик йўлларда светофор ва ер ости ўтиш жойлари йўқ. Уларга пиёдалар ўтиши учун белги қўйилади ва қора асфальтга оқ чизиқлар чизилади.

– Вой, менда ҳам оқ чизиқлар бор, – деди Зебрача.

– Ҳа, шунинг учун бундай чизиқлар "зебра" чизиқлари дейилади ва улар ёрдамида пиёдалар йўлни кесиб ўтадилар. Зебра чизиғини кўрсанг, унинг ёнига келиб, аввал чап томонга, кейин ўнг томонга қараб, ҳамма машиналар тўхтаганини кўргандан кейин йўлни кесиб ўтавер.

Шунда Зебрача аввал ўнгга, йўлни ўрта қисмида эса чапга қаради ва узоқроқда келаётган машинани кўрди.

«Улгураман», деб ўйлади ва югуриб кетди. Лекин у ҳозир қиш вақти эканлигини унутиб қўйганди. Машина ҳайдовчиси ҳам йўлдаги Зебрачани кўриб, тўхтай бошлади. Йўл сирпанчиқлиги учун машина Зебрачага яқин келгандагина тўхтади. Зебрача пешонаси билан машинага урилди. Воқеа жойига "Тез ёрдам" амаки етиб келди ва Зебрачанинг пешонасини боғлаб қўйди. Светофор амаки Зебрачани огоҳлантирди:

– Йўлларда югуриш мумкин эмас. Айниқса, қишда йўллар жуда сирпанчиқ бўлади. Шунинг учун жуда ҳам эҳтиёт бўл!

Зебрача хатини почтага топширди ва хурсанд бўлиб, уйга "Йўл ҳаракати қоидалари"га риоя қилиб қайтиб келди.

У Қорбобонинг интизомли ва ақлли, қоидаларга риоя қилувчи болаларга совға беришига ишонарди.

Мансур РИХСИЕВ,
подполковник.

Маърифат дарси

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Миллий армиямиз истиқлол фарзандидир. Зеро, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кўп ўтмай республика Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январда эса мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисмлар Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказилди. Ўшандан буён орадан 18 йил ўтибди.

Бу тарих учун ниҳоятда қисқа муддат. Лекин ана шу нисбатан қисқа муддат ичида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни шакллантириш йўлида чинакамига улкан ишлар амалга оширилди. Уни замонавий қурол-яроғ, техника воситалари билан таъминлаш борасида барча чоралар кўрилмоқда. Айни пайтда шахсий таркибни миллий қадриятларимиз ва мард, жасур аждодларимизнинг шонли жанговар анъаналари руҳида тарбиялаш ҳам диққат марказида турибди. Юртбошимиз ўзларининг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисолаларида Қуролли Кучларимизда маънавий-маърифий тарбия ишларини кучайтиришнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида шундай ёзган эдилар: «Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим».

Тизимда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнида Қуролли Кучларимизнинг ихчам ва ҳаракатчан бўлишига, профессионаллашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга келиб ҳарбийларимизнинг асосий қисмини шартнома асосида хизмат қилувчилар ташкил этади. Яъни, улар Ватан ҳимоясини нафақат муқаддас бурчи, балки ҳаётдаги мақсади деб билади.

Муддатли ҳарбий хизматга ҳам муносиблар ичида энг муносиблари саралаб олинмоқда. Аскарларга яратилган шарт-шароитларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Уларнинг озиқ-овқат таъминоти ҳеч бир замонавий армияникидан қолишмайди. Аскарларнинг муайян қисми муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганидан кейин шартнома асосида хизматни давом эттириш истагини билдирмоқда. Захирага бўшатилганларининг эса олий таълим муассасаларига киришлари ва ишга жойлашишлари учун давлатимиз томонидан қатор имтиёзлар берилган. Қолаверса, иш берувчиларнинг ўзлари ҳам бўш ўринларга биринчи галда армия сафларида тобланиб келган азамат йигитларни қабул қилиши аниқ.

Ҳар қандай соҳада ҳам муваффақиятга эришиш авваламбор кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шу маънода Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган қатор олий ҳарбий таълим муассасалари турли йўналишларда малакали офицер кадрлар етиштириб бермоқда. Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ҳам Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнига илғор технологияларни, интерфаол усулларни татбиқ этиш, уни амалиёт билан узвий боғлаб ташкил қилиш борасида барча чораларни кўрмоқда. Ушбу таълим муассасасини тугатган юзлаб офицерлар бугунги кунда Қоровул қўшинларида, ички ишлар идораларида, Қуролли Кучларнинг турли қўшин турларида муваффақиятли хизмат қилмоқдалар.

Шу ўринда сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш керак. Ушбу мактабларнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Уларни битирган сержантлар бугунги кунда офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, аскарларнинг энг яқин маслаҳатчиси, тарбиячисига айланган.

Юртбошимиз Миллий армиямизга юқори баҳо бериб, уни «Мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» дея таърифлаган эдилар. Қуролли Кучларимиз бу юксак баҳога муносиб эканлигини ҳаётда кўп бора исботлади. «Ватан ҳимоячилари» тушунчаси ниҳоятда кенг маъноли тушунчадир. Юртимизнинг тинч ҳаётига хавф туғилгудай бўлса, кимки бу хавфни бартараф этиш учун бел боғлаб майдонга тушса, у Ватан ҳимоячисидир. Шу маънода ички ишлар идоралари ходимлари ҳам юртимиз посбонлари сафига киришади. Шунинг учун ҳам ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийлар қаторида ички ишлар идораларининг халқимиз осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатган ходимлари ҳам Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланадилар. Республика ИИВ тизимидаги Қоровул қўшинлари шахсий таркиби ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни шараф билан бажармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов 2003 йил 13 январда Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида: **«Энг муҳими, шуни такрор ва такрор айтмоқчиман: ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир»,** деб таъкидлаган эдилар.

Давлатимиз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш борасида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Уларнинг иш ҳақи ошириб борилаяпти. Ватан ҳимоячиларининг соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилиши бўйича қизғин ишлар олиб борилаяпти.

Ватанни ҳимоя қилиш бугунги кунда шоншараф ишига айланган. Ҳарбий хизматга чоғланганларнинг сони бору, саноғи йўқ. Чунки улар буюк аждодлари хоки ётган юртнинг ҳар қаричи муқаддас эканлигини, ҳаётимизнинг фаровонлиги, нурафшон келажагимиз тинчлик-осойишталикка боғлиқ эканлигини яхши билишади. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганлар осуда ҳаётимиз, тўкинсочин турмушимизнинг ҳимояси уларнинг ҳушёрлигига, касб маҳоратига, мардлигига боғлиқ эканлигини юрак-юракдан ҳис этишади. Шунинг учун ҳам халқимиз ўз ҳимоячиларига ишонади, суянади. Ватанимиз тинч экан, халқимиз яратувчилик меҳнати билан банд бўлади. Ватанимиз тинч экан, ҳовлиларимизни, кўчаларимизни болаларнинг шўхшодон кулгуси тўлдириб туради. Ватанимиз тинч экан, унда яшаётган барча дин вакиллари ўз ибодатларини эмин-эркин адо этишади. Бундай юртда байрамлар байрамларга, тўйлар тўйларга уланаверади. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, Ватан ҳимоячиларига дил сўзларимни шоирнинг қуйидаги сатрлари билан ифодалашни истардим:

Кўркам либос кийган мағрур ўғлонлар,
Шиддати шамширу, кўкси қалқонлар.
Эл тинчин асровчи фидойи жонлар,
Сизгадир ушбу кун дил туғёнларим –
Эй, азиз юртимнинг мард посбонлари!

Сизга минг бор таъзим, минг бор тасанно!
Елкангизга юлдуз қўнсину, аммо
Юлдузингиз бевақт сўнмасин асло,
Асло завол кўрманг, эл ўғлонлари,
Эй, азиз юртимнинг мард посбонлари!

Муқаддас ва бебаҳо Ватанимизни ҳам, унинг мард ва жасур ҳимоячиларини ҳам Оллоҳ таоло ўз паноҳида асрасин!

Бобомурод ТОШЕВ.

Байрам тилаклари

Ички ишлар идораларида хизмат қилаётганимга роса ўн йил тўлди. Хизмат жараёнида тажрибали ходимларнинг ибрати, улардан олган сабоқларим туфайли ишлаш янада қизиқарли бўлиб, касб маҳоратим ошиб бормоқда. Мамлакатимизда ёшларга катта эътибор берилаётганини ҳар қадамда ҳис этса бўлади. Ўтган 2009 йили менга катта ишонч билдириб, Самарқанд вилояти ИИБ котибияти катта инспектори этиб тайинлашди. Бу лавозимда ҳам вазифаларни сидқидилдан бажариб, бор билим ва тажрибамни ишга соламан. Юртбошимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган янги 2010 йилда сафимизга янги қўшилган ёш ходимларга хизмат сирларини қунт билан ўрганиб, билим ва маҳоратни бойитиб, тажрибали ички ишлар ходимлари сафидан ўрин олишларини тилайман.

Суҳроб ҚЎЛДОШЕВ,
Самарқанд вилояти ИИБ котибияти катта инспектори, сержант.

Сулола

Ички ишлар идоралари сафида самарали хизмат қилиб аждоддан-авлодга ўтиб келаётган сулолалар кўп. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ОНА ДУОСИДАН КУЧ ОЛГАН ҚАЛБЛАР

1957 йилнинг баҳори. Борликда кўклам нафаси. Дилларни чечаклар ҳиди ажиб ҳисларга тўлдиради. Айни шундай сурурли лаҳзаларда ёш оила – Раҳматилла ва Мунисхонлар хонадонида ўғил фарзанд дунёга келди. Мунисхоннинг қайнонаси – уруш йилларининг оғир кунларини кўриб дийдаси қотган, турмуш ўртоғидан қорахат келгач, фарзандларини ёлғиз ўзи оёққа қўйган Кўзихон ая чақалоқни қўлига оларкан:

– Бу гўдакнинг исми Неъматилла бўлсин. Аллоҳнинг неъматлари каби азиз, ризқи-насибаси улуғ инсон бўлиб улғайсин, – дея ният қилди.

Чиндан ҳам Неъматилланинг қадами қутлуғ келди. У қирқ кунлик бўлганида Мунисхонни ўн тўрт йиллик айриликдан сўнг катта опаси Энашхон қидириб топиб келди.

Йиллар ўтаверди. Неъматилланинг ортидан ўн бир ука-сингиллар туғилишди. Раҳматилла ака ва Мунисхон аялар уларни ҳалол меҳнат билан боқиб, катта қилишди.

1979 йилда Тошкент юридик техникумининг (ҳозирги ҳуқуқшунослик коллежи) қалдирғоч битирувчилари учирма бўлишди. Улар орасида оддий қишлоқ йигити Неъматилла ҳам бор эди.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш мутахассис Наманган вилояти ички ишлар бошқармасига хизматга қабул қилинди. У илк бор ота-онаси ҳузурига формада кириб келганида, хонадонда байрам бўлиб кетди. Ука ва сингилларнинг барчаси унга ҳавас билан боқишди.

Балки мана шу ҳавас Расуловлар оиласини ички ишлар ходимлари сулоласига айланишига сабаб бўлгандир. Негаки, олти ўғилдан тўрт нафари ҳаётини эл осойишталигини сақлашдек шарафли, аммо машаққатли соҳа билан боғлади. Бугунга келиб, Ҳурматилла – майор, Наманган вилояти ИИБ ходими. Зафаржон – капитан, Андижон вилояти ИИБ Избоскан тумани ИИБ профилактика инспектори. Кенжа ўғил — капитан Яшаржон эса Норин тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБда тезкор вакил вазифасида хизмат қилиб келаётир.

Бундан икки йил муқаддам полковник Неъматилла Расулов ўзининг эллик ёшини нишонлади. Мана шу тантанада иштирок этган полковник Сорахон Аҳмедова шундай сўзларни айтди:

– Она дуосида ҳикмат кўп. У фарзандни камолот, омад ва бахтга йўллашга қодир. Мана шу хонадонда туғилиб, тарбия топган, ички ишлар тизимида сидқидил меҳнат қилишни умр мазмуни деб билган ҳар бир фарзанд, набиралар нимаики ютуққа эришган бўлса, бу Мунисхон ҳожи она дуосининг шарофатидир.

Ҳа, ҳар бир онанинг энг эзгу нияти болалари камолини кўришдан иборат бўлади. Мана шундай саодатли кунлар Мунисхон аяга ҳам насиб этди. Фарзандларига берган тўғри тарбияси туфайли онахон элда ҳурмат-эътибор қозонди.

Неъматжон аканинг икки фарзанди, лейтенантлар Камолиддин ҳамда Ғолибжон Расуловлар Наманган шаҳар ИИБ профилактика инспекторлари, капитан Жамолиддин Расулов эса ИИВ Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси ШТБИХ катта инспектори, оиланинг ёлғиз қизи Сайёрахон ИИВ Моддий техника бошқармаси инспектори.

Ҳар йили бир сана – Ички ишлар идоралари ходимлари куни Норин тумани Хўжаобод қишлоғидаги Расуловлар хонадонида катта байрам қилинади. Ҳовли ички ишлар идоралари ходимлари кийимидаги фарзанд ва набираларга тўлиб кетади. Йилдан-йилга уларнинг сафи кенгайиб, погонларидаги юлдузлар кўпаяверади. Негаки, оталар, акалар ибрати фарзандлар қалбига иштиёқ солаверади.

– Ҳозирда Наманган ҳуқуқшунослик коллежи талабасиман. Спортга қизиқаман, каратэ бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган қатор халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлдим, – дейди майор Ҳурматилла Расуловнинг ўғли Ҳикматилла Раҳматиллаев. – Орзуйим ИИВ Академиясида ўқиш, дадам ва амакиларим каби Ватанимиз тинчлигига ҳисса қўшиш.

Демак, бутун республикага танилган бу сулоладаги қутлуғ анъана давомдир: қалблар она дуосидан куч олиб, бу шижоатни Ватан ва халқ тинчлиги йўлида сарф этаверажак!

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
журналист.
Суратда: Расуловлар сулоласи.

Байрам тилаклари

Мана, 2010 йил ҳам қутлуғ қадам билан кириб келди. Шу муносабат билан юрт тинчлигини таъминлащдек ғоят оғир ва масъулиятли вазифани шараф билан адо этаётган барча ички ишлар идоралари ходимларини, муҳтарам фахрийларимизни ва уларнинг оила аъзоларини Янги йил билан муборакбод этаман. Ҳамиша ўзингизнинг машаққатли меҳнатингиз билан халқимизнинг иззат-ҳурматига, эътиборига сазовор бўлишдек бахтга муяссар бўлиб юраверинг. Халқ ишончи – улуғ бахт. Бу ҳар биримизга насиб этсин!

Ҳамиша омон бўлинглар!

Шарофхон АБДУЛЛАЕВ,
ички ишлар идоралари фахрийси,
истеъфодаги полковник.
Хоразм вилояти.

АВЛОДЛАР АНЪАНАСИ

Асли Ғузор туманининг Эскибоғ қишлоғида, оддий меҳнаткаш оиласида туғилиб вояга етган Ҳазрат ота Баҳриевнинг номини бугунги кунда нафақат вилоятимизда, балки республикада ҳам яхши билишади. Отахон узоқ йиллар ички ишлар идоралари сафида хизмат қилиб, юрт осойишталиги, эл хотиржамлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилган. Эл орасида обрў, эътибор ва иззат-икром топган бўлсалар, буларнинг барчасини ҳалол меҳнат эвазига қўлга киритган.

Касби ҳуқуқшунос бўлган Ҳ. Баҳриев кўп йиллар соҳанинг масъулиятли бўғини – жиноят қидирув соҳасида хизмат қилди. Шунингдек, вилоятнинг Нишон, Ғузор, Деҳқонобод, Китоб туманлари ички ишлар бўлимларида бир неча йиллар раҳбар лавозимларида фаолият кўрсатиб жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашди.

Бугунги кунда Баҳриевлар сулоласи аъзоларидан кўпчилиги Ҳазрат отанинг касбини давом эттираётгани халқимизнинг от изини той босар, деган нақли бежиз айтилмаганлигини кўрсатади. Истеъфодаги полковник Ҳазрат Баҳриевнинг фарзандлари касбини давом эттираётганидан фахрланиб шундай дейди:

– Аввало, шу касбни танлаганимга минг бор шукр қиламан. Хизмат масъулиятли бўлса-да, шарафли жиҳатлари кўп. Эл-улус орасида ўз обрўимни топдим, ҳали-ҳамон қаерга борсам ҳурматимни жойига қўйишади. Оддий қишлоқ одами учун бундан ортиқ бахтнинг ўзи йўқ. Мени энг қувонтирадиган нарса шуки, ишимни давом эттираётган ворисларим борлиги.

Ўғли Камолиддин (жойи жаннатда бўлсин) Ҳазрат Баҳриевнинг биринчи издоши эди. Бахтсиз фалокат туфайли ҳаётдан эрта кетди. Ўғли Абдиназар капитан, Ғузор тумани ИИБ ҲООБда ишлаяпти. Келини Латофат Зайниддинова ҳам капитан, терговчи. Жияни Хўжаназар Баҳриев майор, Нишон тумани ИИБда, ўғли Лазиз ҳам капитан, вилоят ИИБда масъул лавозимда ишламоқда. Ана энди набираларга келсак: Фарруҳ – катта лейтенант, Деҳқонобод тумани ИИБ ҲООБда, Жавлон эса Қарши шаҳар ИИБ ҲООБда профилактика инспектори бўлиб хизмат қиляпти, лейтенант.

Невараси Фурқат ҳам жиноят қидирув хизматида Ғузор тумани ИИБда фаолият юритаяпти, катта лейтенант. Невара келини Шаҳодат ҳам тергов соҳасида хизматда, унвони лейтенант. Куёвларидан – Акбар Хўжамуродов майор, республика ИИВ Академиясида фаолият кўрсатмоқда. Майор Зафар Ҳамроев Қамаши туманида ИИБ ходими.

– Ана шундай сулолага етакчи эканлигимдан мамнунман. Улар сафи янада кенгайишига умидим бор, – дейди Ҳазрат ота. – Болаларимни кўриб қайтадан шу соҳага ҳавасим ошади. Яна бир марта умр кўрсам, фақат ички ишлар соҳасида ишлаган бўлардим.

Турли оилавий тадбирларда ўғил-қизлар, набиралар билан отанинг хонадони тўлиб кетади. Эгнига форма ярашган фарзандларини кўриб отахоннинг қалби ғурур ва ифтихорга тўлади. Бундай дақиқаларда отахон умр йўлдоши Чимири аядан ўз миннатдорлигини яширимайди.

Бугунги кунда Баҳриевлар оиласида Ватанга содиқ, ёш йигит-кизлар униб-ўсиб камол топмоқда. Улар ҳам ота-боболари эъзозлаган анъанани давом эттиришаётир.

Ҳа, истеъфодаги полковник Ҳ. Баҳриевни улкан чинорга ўхшатиш мумкин. Унинг шоҳлари эса фаолиятини давом эттираётган ўғиллари, келинлари ҳамда неваралари мисолида акс этади. Зеро, чинор бақувват, демакки, унинг шоҳлари доим куртак ёзиб ўсиб бораверади.

Содиқ ИСЛОМОВ,
истеъфодаги полковник.
Соҳибжамол АМИНОВА.
Суратда: истеъфодаги полковник Ҳазрат Баҳриев ўз изидан бораётган фарзандлари билан.

«Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танловига

Мавлонберди чўпоннинг назарида бугун ҳаво ҳар кунгидан ҳам иссиқроқдек туюлди. Ҳа, май ойининг охирлари бўлсада, ҳаво ҳарорати анча баланд. Қум барханларига тирмашиб бораётган қўйларига кўз ташлаган Мавлонберди ака бироз дам олиш мақсадида саксовул остига ёнбошлади. У эндигина ер бағридан униб чиққан гиёҳларни бир-бир териб еяётган қўйларига ҳавас билан қараганча хаёлга толди.

Саксовул остидаги «топилма»

(Детектив)

Бир маҳал каттакон саксовул ёнига тўпланган жониворлар бир нимадан ҳурккандек ҳар томонга ёйилиб кетишди. Мавлонберди ака ўша томонга шошилди. Саксовулга яқинлашганида бадбўй ёқимсиз ҳид димоғига урилгандай бўлди. У бирдан қум бағридан одам қўли чиқиб турганини кўриб, карахт бўлиб қолди. Бир зумдан сўнг ўзига келган Мавлонберди ака қўлидаги таёғи билан жасад устидаги қум уюмини бир чеккага торта бошлади. Назарида ҳид кучайгандай эди. Демак, у бирор кишининг жасади. Аммо бу ерга қаердан келиб қолди? Мавлонберди чўпон жасадга тикилганча ўйланиб қолди. Тўрт кун аввал Қорақум этагидаги ерларни бир трактор ҳайдаётганди. Балки бу мудҳиш воқеани ўша тракторчи кўргандир? Нима бўлганда ҳам тезроқ ички ишлар идорасига хабар бериш керак.

Мавлонберди аканинг юрагини қўрқув босди. Чунки ўттиз беш йилдан буён чўпонлик қиларди-ю, бундай воқеага дуч келмаганди. У белги сифатида жасад ёнидаги саксовулга белбоғини боғлади-да, ҳовлиққанича ўрага яқин жойдаги ётоғига қайтди ва тушлик тайёрлаётган ўғлига воқеани тушунтириб, профилактика инспекторининг олдига юборди. Орадан кўп ўтмай тезкор гуруҳ ходимлари етиб келишди ва воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечира бошлашди. Туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ бошлиғи, майор Тўлқин Собиров бир чеккада чўпон таёғига суянганча хомуш турган Мавлонберди акани суҳбатга тортди.

– Бу ерларда кўпдан бери чўпонлик қиласизми?

– Ҳа,– деди у бироз хўрсинганча. – Илгари қўйларимни каналнинг нариги томонида боқардим. Майсаларнинг авжи яхши бўлганлиги учун эрта тонгдан сурувни бу ерга ҳайдаб келдим. Тушга яқин мана шу саксовулга яқинлашган қўйларим безовталана бошлади. Келиб қарасам, қумга кўмилган жасад бор экан.

– Шу яқин кунлар ичида бу ерга келган кишиларга кўзингиз тушмадими?

– Йўқ,– деди Мавлонберди ака бироз ўйчан ҳолда.– Лекин уч, тўрт кун аввал Қорақум этагидаги ҳов анави ерларни бир тракторчи шудгор қилаётганди. Балки у бирор нарсани билар...

Шу пайт туман прокурори келиб, экспертиза хулосалари билан қизиқди.

– Жасаднинг бош мия қисмига қаттиқ жисм билан бир неча бор урилган,– деди эксперт-криминалист қўлидаги нималардир ёзилган қоғозга кўз югуртираркан. – Натижада мия қобиғи ёрилиб, қон қуйилган.

– Воқеа қачон содир бўлган, деб ўйлайсиз?– сўради прокурор экспертдан.

– Тахминимча тўрт-беш кун аввал рўй берган.

– Сизнинг фикрингиз? – деди прокурор майор Собировга юзланаркан.

– Менимча, жиноятчи уни олдиндан пухта режалаштирган ҳолда, қасддан ўлдирган. Чунки қотил воқеа жойида бирор из ёки далилий ашё қолдирмаган.

– Зудлик билан мурданинг шахсини аниқланг! – дея топшириқ берди ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Жавлон Аҳмедов. – Жиноятнинг очилишида бу жуда муҳим аҳамиятга эга.

Эксперт-криминалистика бўлими ходимлари ишни якунлашгач, жасадни олиб кетишди. Орадан кўп вақт ўтмай жасаднинг шахси аниқланди. У қўшни қишлоқда яшовчи Толиб Қосимов бўлиб чиқди.

– Марҳум ҳақида қандай маълумотларни аниқладингиз?– сўради ИИБ бошлиғи хонага кириб келган майор Собировдан.

– Уйланган, икки нафар фарзанди бор. Ота-онаси бир неча йил аввал оламдан ўтган. Қўшни қишлоқдаги пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжалигида тракторчи бўлиб ишлаган. Бундан тўрт кун аввал уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

– Демак у ўша қидирув эълон қилинган йигит, шундайми?

– Ҳа.

– Нега у қўшни қишлоқда ишлаган?

– Фермер хўжалигининг ерлари яшаш жойига яқинроқ бўлганлиги учун шу ерда ишлаган бўлса керак.

– Толибнинг ўлими билан боғлиқ бирорта янги маълумот борми?

– Ҳа. Биз унинг тракторини кўздан кечирганимизда ўнг томон ғилдирагида қон доғлари борлигини аниқладик. Дала чеккасидаги қамишзордан эса тракторнинг эҳтиёт қисми топилди. Экспертлар унда жиноятчининг қўл бармоқ излари қолганлигини тасдиқлашди. Бу қўл бармоқ изларини «Адис Сонда» компьютер базасига киритиб, уларни муқаддам жиноят содир этган шахсларнинг қўл бармоқ изларига солиштириб кўришди. Аммо бу излар компьютер базасидагиларга тўғри келмаяпти. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, жиноятчи муқаддам судланмаган ёки у бизнинг вилоятимизда яшамайди. Ҳозирча шундай гаплар. Суриштирув ишларини давом эттираяпмиз.

Демак, қўлимизда жиноятга алоқадор бўлган далилий ашёлар бор, – деди подполковник Аҳмедов.– Энди марҳумнинг турмуш ўртоғи ҳамда фермер хўжалиги раҳбари билан ҳам суҳбатлашиш керак. Балки улардан бирор-бир жўяли гап чиқар.

Кечга яқин тезкор вакил, капитан Анвар Юсупов Толибнинг хонадонига ташриф буюрди. Марҳумнинг яқинлари, қўни-қўшнилари кутилмаганда содир бўлган бу воқеадан эсанкираб қолишганди. Унинг ниҳоятда меҳнаткаш, очиққўнгил йигит эканлигини эслаб, кўзларига ёш олишди. Капитан Юсупов марҳумнинг турмуш ўртоғи билан алоҳида суҳбатлашар экан, яқин беш, ўн кун ичида хонадонига кимлар келиб-кетгани билан қизиқди. Фермер хўжалиги раҳбари, яқинлари, қўни-қўшнилар, хуллас кўп одам келган. Лекин улар орасида бирор-бир шубҳали киши бўлмаган. Толиб эрталаб тракторини ҳайдаб ишга чиқиб кетгану қайтиб келмаган. Ҳатто фермер хўжалиги раҳбари ҳам уни кўрмаган. Тракторини эса Қорақум этагидаги даладан топишган. Орадан икки кун ўтгач, турмуш ўртоғининг уйига қайтмаганидан хавотир олган Лола туман ИИБга хабар қилади. Бедарак йўқолган Толиб Қосимовни излаб топиш чоралари кўрилаётган бир пайтда унинг ваҳшийларча ўлдирилган жасади топилади.

Капитан Юсупов Толибга қўшни бўлган Холбой аканинг эшигини қоқди. Кеч бўлса-да, томорқасидаги қовунларни чопиқ қилиб юрган хонадон эгаси кетмонини бир чеккага қўйиб, меҳмонга пешвоз чиқди.

– Жиноят қидирув бўлимиданман, – дея хизмат гувоҳномасини кўрсатиб ўзини таништирди капитан Юсупов.– Толибнинг ўлими бўйича келгандим. У ҳақда нима дея оласиз?

– Жуда яхши йигит эди, раҳматлик, – деди Холбой ака ички бир ачиниш билан. – Уни ўғлимдек кўрардим. Қишин-ёзин тиним билмай меҳнат қиларди. Бу беозоргина йигитнинг ҳаёти кимга керак бўлдийкин?!

– Турмуш ўртоғи билан муносабати қандай эди?

– Илгари улар бир-бири билан жуда иноқ яшашарди. Кейинги пайтда нима бўлдию, тез-тез жанжаллашадиган одат чиқаришди. Оилада бундай келишмовчиликлар бўлиб турарди. Эр-хотиннинг уриши дока рўмолнинг қуриши, деб бежиз айтишмаган.

Толибнинг сирли ўлими тезкор гуруҳ аъзоларини ўйлантириб қўйди. Хўш, уни ким ва нега ўлдирган? Савол ҳар галгидек жавобсиз қолаверарди. Тергов-суриштирув ишлари давом этди. Жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказилди. Аммо барча саъй- ҳаракатлар бесамар кетаверди.

Орадан уч ой ўтди. Душанба куни хизмат юзасидан вилоят марказига борган капитан Юсупов Лоланинг «Жайҳун» меҳмонхонасига кириб кетаётганини кўриб қолди. У бироз вақт аёлнинг қайтиб чиқишини кутиб ўтирди. Лекин у негадир чиқавермади. Шундан сўнг меҳмонхона маъмуриятидан Лола Турсунованинг бу ерга нима мақсадда келганлигини сўради. Маълум бўлишича, у қўшни вилоятда яшовчи Ўктам Аҳадовни кўргани келган экан. Капитан Юсупов меҳмоннинг ташрифи билан қизиқиб қолди. Нега у Лола билан уйида эмас, меҳмонхонада учрашаяпти? Агар унинг Толиб билан яқинлиги бўлса, Лоланинг уйига кўнгил сўраб борган бўларди. Негадир бу ерда Толибнинг ўлими билан боғлиқ жумбоқнинг ечими бордек туюлаяпти. Капитан Юсупов хаёлини чулғаб олган саволларнинг ечимини топгандек бўлди. У зудлик билан ички ишлар бўлими бошлиғига қўнғироқ қилиб, Ўктам Аҳадовнинг ташрифи юзасидан ахборот берди. Орадан кўп вақт ўтмай Толиб яшаган ҳудуднинг профилактика инспектори ҳам Юсуповга ёрдамга келди. Улар меҳмонхона маъмуриятининг кўмаги билан Ўктам Аҳадовнинг Лола билан қандай яқинлиги борлигини аниқлаш мақсадида у ётган хонани кузатувга олишди. Кутилмаганда улар жанжаллашиб қолишди. Ғазабланган Лола меҳмонхонани тарк этгач, Ўктам Аҳадовни гумондор сифатида ички ишлар бўлимига олиб келишди. У Толиб билан ҳарбий хизматда бирга бўлгани аниқланди. Кейинги пайтда тадбиркорлик юзасидан уникига тез-тез келиб турган. У дўстининг ўлими ҳақида шу бугун Лоладан эшитганини айтди. Капитан вақтни бой бермай Лоланинг уйига келди.

– Ўктам Аҳадовни танийсизми?– сўради капитан Юсупов ҳозиргина вилоят марказидан келиб, уй-рўзғор юмушларини бажараётган Лоладан.

– Йўқ!– айёрона жавоб берди у.

– Нега бўлмаса у билан «Жайҳун» меҳмонхонасида учрашдингиз?

Тасодифан берилган бу савол Лолани эсанкиратиб қўйди. У нима деб жавоб беришини билмай тўғрисини айтиб қўяқолди.

– У турмуш ўртоғим билан ҳарбий хизматда бирга бўлган.

– Ўктам Аҳадовни ички ишлар бўлимига олиб келдик. У бор гапни рўй-рост гапириб берди.

Капитан Юсуповнинг бу гапини эшитган Лола ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Ҳа, Толиб акамнинг ўлимида менинг ҳам айбим бор,– деди у йиғидан ўзини тўхтатолмай.– Яхшигина яшаётгандик. Бундан икки йил муқаддам ўша дўсти уйимизга келди. Кўпдан буён учрашмаганлиги учун қўчқор сўйиб меҳмон қилдик. Эртасига у киши уйига, Толиб акам эса пахта экиш пайти бўлганлиги учун далага кетди. Ўша куни бемаҳалда эшигимиз тақиллаб қолди. Кимлигини сўрасам, «Ўктам акангизман», деди. Толиб акам уйда йўқлигини айтдим. У киши эса поездга чиқишга улгуролмагани, борадиган бошқа жойи йўқлигини айтиб, уйга киритишимни илтимос қилди. Турмуш ўртоғимнинг яқин дўсти бўлганлиги учун уни уйга киритдим. Ярим тунгача суҳбатлашиб ўтирдик. Шайтон йўлдан урдими, ўша тунда унинг қучоғига қандай кирганимни билмай қолдим. Шундан сўнг у хонадонимизга тез-тез келадиган одат чиқарди. Айниқса, ёлғиз қолган пайтларим бирга ўта бошлади.

Бир куни тонг саҳарда Толиб акам келиб қолди. Ўзимни зўрға қўлга олиб, дўсти Ўктам ака келгани, тўрдаги хонада ухлаб ётганини айтдим. У жаҳли чиққанидан юзимга тарсаки туширди. Мен айбим борлиги, сиримиз ошкор бўлишидан чўчиб, тилимни тишладим. Толиб акам шундай бўлса- да, сир бой бермай меҳмон билан нонушта қилди ва тракторининг эҳтиёт қисмини олиб далага жўнади. Шу-шу орамизда шубҳа-гумон пайдо бўлди. Кунларнинг бирида Ўктам акага энди хонадонимизга келмаслиги, Толиб акам шубҳаланиб юрганини айтдим. У бўлса турмуш ўртоғим билан суҳбатлашиш учун далага кетди. Шундан буён уни кўрмагандим. Хуллас, Толиб акамнинг ўлимидан сўнг орадан уч ой ўтди. Фарзандим билан ёлғиз қийналиб қолдик. Оила ташвишларидан силлам қуриди. Рўзғорнинг кам-кўстини тўлдиришга қурбим етмади. Толиб акамнинг ўрни жуда билинди. Ана шундай кунларнинг бирида Ўктам ака қўнғироқ қилиб, вилоятимизга келганлиги, меҳмонхонага жойлашганлигини айтди. Мен эрталаб вилоят марказига бориб, у билан учрашдим. Мақсадим қалбимни кемираётган шубҳа-гумонлардан халос бўлиш эди. Чунки турмуш ўртоғимнинг ўлимида ундан шубҳаланаётгандим. Гапларимни эшитган Ўктам ака мени аврашга тушди. Ана шундагина бу айёр кимсанинг худбинлигини сездим ва ундан нафратланиб кетдим. Бор гап шу.

Лоланинг кўрсатмасидан сўнг Ўктам Аҳадов билан қайта суҳбатлашилди. Аммо у айбига иқрор бўлмасдан турли баҳоналар ўйлаб топиб, калаванинг учини чигаллаштиришга ҳаракат қиларди. Экспертлар Толиб ўлдирилган темир жисмда айнан Ўктам Аҳадовнинг қўл бармоқ излари борлигини тасдиқлагач, айбини тан олишдан бошқа чора тополмади.

– Далага борсам Толиб тракторини таъмирлаётган экан. Менга кўзи тушиши билан ғазаби қайнаб кетди. «Нега келдинг? Оиламни хонавайрон қилганинг етмагандек устимдан кулмоқчимисан!» дея тракторининг эҳтиёт қисмини олиб менга ташланди. Ўзимни тутиб туролмай унинг қўлидаги темирни олиб, бошига бир неча бор урганимни билмай қолдим. У бироздан сўнг тинчиб қолди. Жиноят изини яшириш мақсадида жасадни саксовул остига кўмдим. Қилмишимдан пушаймонман.

Хуллас, қишлоқ аҳлини даҳшатга солган қотиллик жинояти фош этилди. Ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашган бир гуруҳ ички ишлар ходимлари бошқарма раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди. Аммо бу фожиа кўпчиликни ўйлаб кўришга мажбур қилади.

Оила — муқаддас даргоҳ. Унга хиёнат қилган киши ҳеч қачон рўшнолик кўрмайди. Ўз ҳаётида буни англаб етган Лола қариндош-уруғлари, қишлоқ аҳли олдида юзи шувут бўлди. Қотилликка қўл урган Ўктам Аҳадов эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.

Байрам тилаклари

– Куни кеча кузатган 2009 йил мен учун қувончларга бой бўлди. Республика ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига қабул қилиндим. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас ҳаяжонли дамлар бўлиб қолади.

Юртбошимиз томонидан 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши биз, курсантларга янада куч-ғайрат, шижоат бағишлади. Эндиликда мен бор эътиборимни устоз – мураббийларимиздан чуқур билим олишга ва ички ишлар идораларининг етук мутахассис сержанти бўлишга қаратаман. Элимиз тинчлигини асровчи ҳақиқий ўғлон бўлиб етишишга интиламан. Янги йил юртимизга, ҳар бир хонадонга хотиржамлик, бахт келтирсин!

Лазиз БОБОҚУЛОВ.
ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсанти.

Байрам тилаклари

– Армияда хизмат қилаётганимда кўнглимда Ватан ҳимоячиси бўлиш истаги уйғонди. Ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига кириш учун имтиҳонларга тайёрлана бошладим. Меҳнатим зое кетмади, курсантлар қаторига қўшилдим. Бу ердаги таълим-тарбия, биз, курсантларга яратилган шарт-шароитлар мени янада яхши ўқишга, илғор бўлишга ундаяпти. Илгари спортнинг қўл жанги тури бўйича шуғулланардим, бу ерда ҳам малакали спорт усталари назорати остида машғулотлар ўтказилиши кучимга-куч қўшяпти. Келажакда халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ниятидаман. Янги йилда барча юртдошларимизга, азиз устоз ва мураббийларимизга тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайман!

Худойберди Хурсандов,
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби 1-босқич курсанти.

Пиротехникадан сақланинг

ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН!

Янги йил байрами яқинлашган сари пиротехника воситаларининг овози кишилар тинчини бузади, ота-оналар хавотирини оширади. Ҳа, пақилдоқлар аслида болажонларга шодлик ўрнига кўпроқ ташвиш келтириши, улар соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин.

Янги йил байрамининг тинч-осойишта ўтиши халқ тилида «пақилдоқ» деб аталадиган пиротехника воситаларига ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Бир дугонамнинг туғилган куни муносабати билан барча курсдошлар шинамгина кафега йиғилдик. Табрик учун навбат Аброрга берилди. У талабалик йилларида доим антиқа нарса билан лол қолдирарди. Бугун ҳам шундай бўлди. Табрик сўзи тугагандан сўнг барчамизни ҳовлига таклиф қилди. «Дилдорага зўр совғам бор» деб йиғилганларни янада қизиқтириб қўйди. Шундай қилиб, барчамиз кафенинг ҳовлисига йиғилдик. Хизматчилардан гугурт сўраган курсдошимиз уни ёндириб узун чўпга ўхшаш бир нарсанинг учига тутиб турди. Ҳалиги чўп тутай бошлагач, ерга қўйди ва бизга унинг нималигини тушунтириб берди. Бу «ракета» деб аталган «пақилдоқ» бўлиб, байрамни янада қизиқарли қилар экан. Хуллас, «ракета»лар бирин-кетин қаттиқ овоз чиқариб осмонга парвоз қила бошлади. Шу пайт биттаси учмай қолди. Курсдошимиз ажабланиб уни қўлига олиб кўраётган вақтда тўсатдан портлаб кетди. Натижада эрта-индин оила қуриш арафасида турган йигит бир умрга ногирон бўлиб қолди. Хурсандчилик билан бошлаган байрам кўнгилсизлик билан якун топди.

– Кириб келаётган Янги йил байрами муносабати билан ҳудудда «Пиротехника» профилактик тадбири ўтказилаяпти. Бунда асосий эътибор чегарадош ҳудудларда жойлашган маҳаллалар, пиротехника воситалари билан савдо қилиши мумкин бўлган шахслар, уларнинг хонадонларига қаратаяпмиз. Ушбу тадбирлар самарали ўтиши учун соҳавий хизматлар вакиллари, Солиқ инспекцияси ходимлари, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари биз билан ҳамкорлик қилишаяпти, – дейди Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ катта инспектори, капитан Мақсуд Самадов. – Пиротехника воситалари айланма йўллар орқали ҳам кириб келиши мумкинлигини инобатга олиб, барча йўлларни назоратга олганмиз.

Ушбу рейдлар албатта, ўз натижасини бераяпти. Шундай тадбирлардан бирида Қарши шаҳар Шоҳбекат бозорида савдо қилувчи тадбиркор Раҳим Асроровнинг газламалар сотиладиган дўконида Хитой ва Қозоғистон давлатларида ишлаб чиқарилган 14850 дона пиротехника воситаси борлиги аниқланди.

Шаҳрисабз туманида истиқомат қилувчи Т. Машҳуранинг савдо растасидан Хитойда ишлаб чиқарилган 10 блок, У. Гулжамолнинг савдо растасидан турли русумли 550 дона пиротехника воситаси топилди.

Ҳозирга қадар давом этаётган «Пиротехника» профилактик тадбири натижасида бир қанча кўнгилсизликларнинг, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинаяпти. Бунда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони ходимлари, катта сержант Хайрулло Қодиров, сафдорлар Ислом Бойқувватов ва Баҳодир Султоновнинг ҳиссаси ҳам бор.

Гули Нигор АВАЗОВА.
Қашқадарё вилояти.

ШОДИЁНАЛАР ОСУДА ЎТСИН

Бухоро вилояти ИИБ томонидан байрам тадбирлари ўтказиладиган барча жойларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳолининг тинчлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Пиротехника воситалари кириб келишининг олдини олиш мақсадида ўтган давр мобайнида 250 дан ортиқ рейдлар ўтказилди. Тадбирларда бозорлар, ўқув муассасалари ва бошқа жамоат жойлари текширилди. Пировардида 76320 дона, умумий қиймати 5428240 сўмлик пиротехника воситалари мусодара қилинди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар судга оширилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 226080 сўм жарима ундирилди.

Ҳа, болалар соғлиғига зиён етказиши мумкин бўлган маҳсулотлар юртимизга четдан кириб келиши ҳамон барҳам топгани йўқ. Айрим кимсалар уларни айланма йўллар орқали яширинча олиб киришга уринмоқда. Лекин улар ҳуқуқ-тартибот идоралари "қармоғига" илинишаяпти.

Болалар дунёдаги барча нарсаларнинг фақат ижобий томонини идрок этади. Шундай экан, азиз фарзандларимизга ёрқин ранглардаги, уларнинг руҳини кўтарадиган, қалбида атроф-муҳитга меҳр уйғотадиган, ижодкорлик ва яратувчанлик туйғуларини шакллантирадиган ўйинчоқларни олиб берайлик. Ана шунда Янги йил шодиёналари ҳаммамизга татийди, хонадонларимиз болалар кулгусидан яшнаб кетади.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
катта лейтенант.
Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,
ўз мухбиримиз.
Бухоро вилояти.

ЯНА АСАББУЗАР ПАҚИЛДОҚЛАР

Жиззах вилояти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар натижасида республика ҳудудига ноқонуний равишда пиротехника воситаларини олиб киришга уринаётган кимсаларнинг ҳаракатларига чек қўйилмоқда.

Яқинда Дўстлик тумани кузатув-назорат постида йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан «Гагарин – Жиззах» йўналишида ҳаракатланиб бораётган Жиззах шаҳрида яшовчи Суръат Тошматов бошқарувидаги «ГАЗ-53» русумли автомашина тўхтатилиб текширилди. Текширув натижасида автомашина юкхонасида Хитойда ишлаб чиқарилган 70 та қутида 12 минг дона «Салют», 47 та қутида 1097400 дона «Трения» номли пиротехника воситалари борлиги аниқланди. Бозор нархида 20 миллион сўмлик бўлган бундай хавфли воситаларни Жиззахга олиб келиб пулламоқчи бўлган Ғайрат ва Зокир исмли кимсаларнинг қинғир ниятлари амалга ошмай қолди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ушбу пиротехника воситалари сотилиб, фарзандаларимиз қўлларига тушса ва уларни пақиллатиш жараёнида бахтсиз ҳодисалар келиб чиқмаслигига ким кафолат беради?

Бундай ҳолатларга қарши чора кўрмаслик ва қолаверса, катталарнинг бепарволиклари оқибатида ёнғин ва бошқа мудҳиш ҳодисалар келиб чиқаётганлиги сир эмас.

Байрамларни фожиага айлантирмаслик, бу борада ноқонуний ҳолатлар устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,
майор.
Жиззах вилояти.

Қўл жанги

МАҲОРАТ ВА ҒАЛАБА

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш – устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, юртимизнинг спорт салоҳияти тобора ошаётгани, турли мусобақалар ўтказилиши оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир. Кейинги пайтларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида спортни янада ривожлантириш, шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида турли мусобақалар ташкил этилмокда.

Аввал хабар берганимиздек, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қўл жанги федерацияси томонидан хизмат вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, жумладан, марҳум ички ишлар идоралари ходимлари капитан Равиль Васильев, лейтенант Темур Сагидулин, старшина Раҳимжон Тўлаганов хотирасига бағишланган анъанавий 9-халқаро турнир ўтказилди.

Беллашувлар қизғин ва муросасиз ўтди. Баҳсларда ўн беш жамоанинг юздан зиёд қўл жанги усталари ғолибликни қўлга киритиш учун бор маҳоратларини намойиш қилишди. Саккиз вазн тоифасида беллашган кучли спортчилар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишга муваффақ бўлишди.

60 килограмм вазн тоифасидаги беллашувлар қизғин тус олди. Унда республика Ички ишлар вазирлиги жамоаси вакили Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони милиционери, сафдор Азиз Нуриддиновга тенг келадигани топилмади. Шунингдек, МХХ ходимларидан Р. Магдиев, Т. Султонов, С. Ўртаков, Д. Аволбоев, Мудофаа вазирлиги жамоасидан Б. Раҳматов, М. Тошбулов, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ жамоасидан А. Мадреймов ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида республика МХХ жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳамда республика ИИВ марказий аппарати қўл жанги усталарига насиб этди.

– Қўл жангининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун аҳамияти жуда катта, – дейди республика ИИВ ШТБИХ бўлинма бошлиғи, подполковник Нўъмон Юнусов. – Айтиш мумкинки, бу галги баҳсларга спортчиларимиз астойдил тайёргарлик кўришди. Гувоҳи бўлганингиздек натижалар ёмон эмас. Мусобақани юқори савияда ташкил этган ташкилотчиларга ҳамда беллашувларни одилона бошқарган ҳакамларга миннатдорчилик билдираман.

– Ғалаба қозонишимда ўзимда бўлган ички туйғуга ишонардим, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери, сафдор Аҳметбек Мадреймов. – Рақибларим ҳам кучли эди. Ғолибликни қўлга киритганимдан бағоят хурсандман. Бугун шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишимда устозим Турдимурод Ўтегиновнинг ҳиссаси катта. Келажакда бундан-да юқори натижаларни қўлга киритишни истайман.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимини республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қўл жанги федерацияси вице-президенти Бахтиёр Соатов кириш сўзи билан очиб, спортчиларни қизғин табриклади ва келгуси ишларига муваффақиятлар тилади. Сўнг ғолиб жамоа ва спортчиларга Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, генерал-майор М. Бабаниязов иштирок этди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» мухбири.
Суратда: мусобақа ғолиблари.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Самбо

БАРАКАЛЛА, ШАВКАТ!

Юнонистоннинг Салоники шаҳрида самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз вакиллари орасида республика Ички ишлар вазирлиги спортчилари ҳам иштирок этиб Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Мусобақада Транспорт ИИБдан Ховос темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, капитан, халқаро тоифадаги спорт устаси Шавкат Жўраев, Навоий темир йўл бекати ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ тезкор вакили, катта лейтенант, халқаро тоифадаги спорт устаси Дамир Муҳидовлар ҳам гиламга чиқдилар.

Шавкат Жўраев 52 килограмм вазнда Мўғулистон, Венесуэла, Болгария давлатлари вакилларини енгиб, бронза медали учун курашда тожикистонлик спортчидан устун келди. Шундай қилиб, баҳодир ўғлонимизнинг ғолиблик медаллари яна биттага кўпайди.

Байрам тилаклари

– 2009 йил мен учун жуда омадли келди десам, янглишмайман. Негаки, ушбу йилда бир неча мусобақаларда муваффақиятли иштирок этдим. Қўқон шаҳрида ташкил этилган хотира турнирида олтин медаль соҳиби бўлдим. Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича Жаҳон чемпионатида 134 та мамлакат вакиллари орасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдим ва бронза медални қўлга киритдим. Президентимиз Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Бу менга жуда катта масъулият юклаш билан бирга, спорт чўққиларини забт этишимда қанот бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни янги 2010 йил билан табриклайман. Спортчи дўстларимга ҳам янги йилда омад ва ғалабалар ёр бўлишини тилайман!

Баҳодир СУЛТОНОВ,
республика
«Динамо» ЖТСЖ аъзоси.

Байрам тилаклари

– Кузатилган йил мен учун ғалабаларга бой бўлди. Март ойида давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Июнь ойида Тожикистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё, август ойида Токиода бўлган Шотокан каратэ-до бўйича жаҳон чемпионатларида биринчи ўринни эгалладим. АҚШдаги халқаро каратэ федерацияси аъзолигига қабул қилиндим. Албатта, бу натижалар билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Янги йилда янги ғалабаларим билан Ватанимиз байроғини янада юксакка кўтаришни ният қилганман.

Кириб келган янги йил юртдошларимга, осойишталигимиз посбонларига бахт, омад келтирсин!

Зумрад ТАЗЕТДИНОВА,
Зулфия номидаги
давлат мукофоти
соҳибаси.

Сарҳисоб

СПОРТЧИ ХОДИМЛАРИМИЗНИНГ ЗАФАРЛАРИ

Серқуёш юртимизда спорт ва жисмоний тарбияга берилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ, вакилларимиз жаҳон спорт ареналарида юқори натижаларни қўлга киритаётир.

Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби спорт терма жамоаси жорий йил якунини дзюдо ва қўл жанги яккакураши бўйича қувончли ютуқлар билан якунламокда.

2008 йилги Пекин Олимпиадасининг кумуш медали соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, ИИВ ЁХОТМ ходими, майор Абдулла Тангриев йил якунида жаҳоннинг энг кучли спортчилари сафида яна бир бор эътироф этилди. Яқинда ҳамюртимиз дзюдо бўйича жаҳоннинг энг кучли сара полвонлари ўртасидаги «Катта Дубулға» халқаро турнирида ўз медаллар шодасини яна бир бронза медали билан бойитди.

Диққатга сазовор томони шундаки, мазкур мусобақада дзюдо бўйича ғолиб ва совриндорлари Лондон – 2012 ёзги Олимпиадасида иштирок этиш учун керакли қимматли рейтинг балларини ҳам қўлга киритишди.

Уч кун давомида кескин ва муросасиз кечган баҳсларни муваффақиятли ўтказган вакилимиз майор Абдулла Тангриев ярим финалда японияли рақибига кичик устунликда имкониятни бой бериб, шоҳсупанинг учинчи поғонасини банд этди.

Қолаверса, қўл жанги бўйича мактаб терма жамоаси вакиллари ҳам йил якунида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ўтказилган анъанавий спартакиада баҳсларида ва ИИВ чемпионатида қатор муваффақиятларни қўлга киритишди. Жумладан, ноябрь ойида анъанавий спартакиада ЁХОТМ 3-босқич курсанти, спорт устаси Учқун Турсунбоев чемпионликни қўлга киритган бўлса, яқиндагина Гулистон шаҳрида қўл жанги бўйича ўтказилган республика Ички ишлар вазирлиги биринчилигида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Бу борада ЁХОТМ ходими, катта лейтенант Муҳаммадризо Холмирзаев финалда Самарқанд вилояти ИИБ вакилини катта устунликда енгиб, олтин медаль соҳиби бўлди.

– Бу ютуқлар замирида аввало, республика Ички ишлар вазирлиги ва мактабимиз раҳбариятининг ғамхўрликлари, машғулотлар учун яратилаётган барча замонавий шарт-шароитлар, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва эътиборлари меваси эканлигини қувонч билан эътироф этаман, – дейди олийгоҳнинг қўл жанги яккакураши бўйича терма жамоа мураббийи, спорт устаси, майор Мурод Худойқулов. – Баркамол авлод йилида ҳам ўтказиладиган барча мусобақаларда муносиб иштирок этиш ва совринли ўринларни эгаллаш ниятидамиз. Бунинг учун ўқув-йиғин машғулотларини юксак даражада ташкил этиш ва тайёргарлик кўриш орқали Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда бардавом ҳимоя қилишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, спортчиларимиз ютуқларидан фахрланамиз ва Янги йилда уларга омадлар тилаймиз.

Ўктам ХОЛИҚОВ,
капитан.

Янги йил оқшомидаги воқеа

ҚОРБОБОНИНГ «СОВҒА»СИ

Янги йил оқшомида оппоқ соқоли ўзига ярашган, салобатли Қорбобо ҳамда чиройли кийинган Қорқиз Боғишамол қишлоғидаги хонадонларни айланиб, кичкинтойларга байрам совғаси улашарди. Кутилмаганда улар мол етаклаб келаётган йигитга дуч келиб қолишди.

– Байрамингиз муборак бўлсин! – деди Қорбобо йигит билан саломлашаркан. – Янги йил кечаси молни қаёққа олиб бораяпсиз?

Қорбобонинг саволидан ўзини йўқотиб қўйган йигит бироз каловланиб турди-да:

– Сотиб олдим, – деди ва ҳаяжонини яширолмай гапида давом этди. – Шу пайтгача зотдор сигирга дуч келмагандик. Яхшиямки ҳарбийда бирга хизмат қилган оғайним бор экан. Қўшнисининг сотмоқчи бўлган сигирини савдолаша-савдолаша арзон нархда менга олиб берди. Сигирни хотинимга байрам совғаси сифатида олиб кетаяпман.

Ёшгина йигитнинг гапларини диққат билан тинглаган Қорбобо бехосдан кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Аммо сир бой бермай у билан хайрлашди ва тезда кўча бошидаги милиция таянч пунктига бориб, профилактика инспекторига шубҳали йигит ҳақида хабар қилди. Профилактика инспектори зудлик билан маҳалла посбонини олиб, тунги «меҳмон»га пешвоз чиқди. Хизмат кийимидаги осойишталик посбонига кўзи тушган йигит эсанкириб қолди.

– Қаёққа шошаяпсиз? – сўради профилактика инспектори.

– Уйга, – деди йигит атрофга аланглаганча. – Хотинимга сигир сотиб олгандим.

– Ахир бу хўкиз-ку! – қаҳ-қа-ҳа отиб кулди маҳалла посбони.

Мол арқонини ушлаб турган йигит ҳайрон бўлганича хўкизга қаради ва сири фош бўлганини билиб, қоча бошлади.

Абжир ва чаққон осойишталик посбонлари тунги «меҳмон»ни зудлик билан қўлга олишди ва ички ишлар бўлимига олиб келишди. Айбини тан олмаётган йигитга диққат билан разм солган профилактика инспектори ўзини тутиб туролмай яна кулиб юборди. Чунки сигир ўрнига хўкиз етаклаб кетаётган ўғри воқеа жойида оёқ изини қолдирмаслик учун туфлисининг устидан пайпоқ кийиб олганди.

Эртасига ички ишлар бўлими раҳбарияти жиноятчини қўлга олишдаги беғараз ёрдами учун ҳушёр Қорбобога миннатдорчилик билдирди.

Эгасига қайтарилган хўкиз эса хонадон соҳибларига Қорбобонинг ажойиб «совға»си бўлди.

Худойберган РАЗЗОҚОВ.
Хоразм вилояти.

Байрамнинг турфа хил нишонланиши

Одатда Янги йилни 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси нишонлаб, қарши олишга одатланиб қолганмиз. Бироқ бу санани жаҳоннинг турли халқлари турли ойларда нишонлашини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Мусулмон оламида Янги йил асосан ҳижрий-қамарий ҳисоб бўйича кириб келади. Грециядa эса Янги йил 14 январда – авлиё Василий куни байрам қилинади. Шу куни Грециянинг кичкинтойлари этикчаларини ечиб қолдирадилар. Наврўз байрами кенг нишонланаётган кўкламда, яъни 21 мартда Марказий Осиё, Эрон, Покистон, Афғонистон, Озарбойжон ва Туркия халқлари янги йилни кутиб оладилар. Сал кейинроқ ҳиндлар бу байрамни нишонлаш учун ошиқадилар.

Лаосликлар бир кундан кейин – 14 апрелда бу санани кутиб олишади. Бирма халқи эса Маданият вазирлиги томонидан эълон қилинадиган санани илҳақлик билан кутадилар. Бу апрель ойининг ўртасига тўғри келиб, уч кун этиб белгиланади. Таиландда ҳам шу даврда нишонланадиган Янги йил байрами Songkarkan деб номланади. Мазкур мамлакат Ҳукумати 1 январда янги йилни нишонлаш тўғрисида қарор ҳам қабул қилган. Янги йил Майя қабилалари учун 16 июль – ёз чилласида, Жибути ва Нигерияда август ойида кириб келади. Сурияда янги йил 1 сентябрда бошланса, яҳудийлар ҳам шу куни байрам дастурхонини тузайдилар. Эфиопияда 11 сентябрь, Гамбияда 7 октябрь янги йилдан дарак беради. Индонезияда ҳам октябрда янги йил қарши олиниб, одамлар янги кийимларини киядилар, гина-кудратни унутишга ҳаракат қиладилар. Янги йил Яманда 18 ноябрь куни, Океания ва Гавай ороллари да ноябрь ойининг ўрталарига тўғри келади.

Узоқ ва олис австралияликлар байрамни 1 январда нишонлайдилар. Бу вақтда Австралияда кун жуда иссиқ бўлиб, Қорбобо қалин кийинмайди. Эскимосларда янги йилнинг аниқ санаси йўқ. Бу ерда қачон биринчи қор ёғса – шу куни янги йил. Қадимги мисрликлар анъанага кўра, ёз фаслида Нил дарёси тошган кунидан эътиборан янги йил бошланган. Қадимги Юнонистонда эса 22 июнда янги йил байрами нишонланган.

Нима бўлганда ҳам, Янги йил оилавий байрам ҳисобланади. Қаерда, қандай кутиб олинмасин, ҳамма бир-бирларига яхши тилаклар билдиришади. Амалга ошира олмаган ишларини янги йилда рўёбга чиқишини истайди.

Кириб келган янги йил барчамиз учун орзу-умидлар ижобати йили бўлсин.

Афтондил ИСМОИЛОВ.

ДИҚҚАТ!

Жиззах вилояти ички ишлар идораларининг «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Жиззах вилояти ИИБ	(8-372) 226-34-31
Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони	(8-372) 226-49-92
Жиззах шаҳар ИИБ	223-76-40
Жиззах тумани ИИБ	342-11-36
Арнасой тумани ИИБ	372-14-13
Бахмал тумани ИИБ	412-11-68
Дўстлик тумани ИИБ	335-40-94
Зафаробод тумани ИИБ	472-23-44
Зарбдор тумани ИИБ	492-28-22
Зомин тумани ИИБ	392-10-90
Пахтакор тумани ИИБ	353-20-77
Мирзачўл тумани ИИБ	312-20-30
Фориш тумани ИИБ	452-13-02
Ғаллаорол тумани ИИБ	432-23-36
Янгиобод тумани ИИБ	542-11-25

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:
232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.
Манзил: Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.
Мўлжал: Бешёғоч майдони, Муқимий театри.

Назм

ҚИШНИНГ ҲАМ ЎЗГАЧА ГАШТИ БОР

Оламни оқликка тўлдириб,
Янги йил келганин билдириб,
Оппоқ қор ёғмоқда, оппоқ қор,
Қишнинг ҳам ўзгача гашти бор.

Йигитлар қор кечиб кезади,
Қизларга қор хатлар ёзади.
Қорда ишқ-муҳаббат сеҳри бор,
Севишган ошиқлар меҳри бор.

Оқлиги қувнатар кўзларни,
Аёзи эркалар юзларни.
Оналар қалбидек беғубор,
Оппоқ қор ёғмоқда, оппоқ қор.

Оппоқ қор – она ер озғи,
Халқимнинг, юртимнинг бойлиги,
Қишнинг ҳам ўзгача гашти бор,
Ёғавер, оппоқ қор, оппоқ қор.

Бекмурод УСМОНОВ.

Туйғулар

ҚОР ЁҒДИ – ДОН ЁҒДИ

Қор ёғмоқда, чор-атрофни оқликка буркаб. Зум ўтмай борлиқни беғубор, енгил ва майин парқу қоплайди. Осмондан тушаётган беҳисоб қор нуқралари чарх ураётган ҳарир қанотли капалаклар каби киши қалбида нозик бир ҳис уйғотади. Қон-қонингизда ажиб бир шукуҳ, тиниқлик ва ҳузур, яна юрак ҳис этадиган, аммо айтишга тил ожизлик қиладиган нафис туйғулар жилғаси оқиб, вужудингизни қамрайди. Ўзингизни енгил, парвозга шай қуш каби сезасиз, қани қанот берилсаю кўкларга учсангиз. Бу оқлик куч, олам-олам завқу шавқ бағишлайди кишига. Қандай яхши, қандай оромбахш ҳаво! Оппоқ қоғоз каби ерга ёзилаётган бу мўъжиза ҳайратингизга ҳайрат қўшади.

Гуллар, яшилликка бурканган баҳор, сахий нурларини аямай, жаннатий меваларни ғарқ пишириб, тортиқ қилувчи ёз, оёғингиз остига хазонлардан поёндоз тўшаб, умрнинг сарҳисобини эслатадиган куз ҳамда кумуш зарларини сочиб, болаликка қайтаргувчи қиш. Бу тўрт фасл – тўрт мўъжизани яна қаерда кўриш мумкин?! Қиш – болаларнинг қорбўрон ўйнаб, узун тунлар эртаклар эшитиб, ўз болалигидан масрурланиши; баҳор – ошиқ юракларда ишқ-муҳаббатнинг қуртак ёзиши; ёз – кексаларнинг ширин-шарбат мевалардан тановул қилиб кучга тўлиши; куз – бажарилган ишлар сарҳисоби, қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг режасини тузиш учун берилажак муддатга ҳозирлик кўриш. Булар мўъжиза бўлмай нима? Болалар, ёшлар, кексалар учун ҳам тегишли бир фаслнинг берилиши Яратганнинг улуғ неъмати эмасми?! Юртимизда бундай фаслларнинг меҳмон бўлиши, инсон қалбини гўзаллик, эзгулик, яратувчиликка ундаши, ширин-ширин ифорлар, минг дардга дармон ноз-неъматлар билан сийлаши, қишнинг ҳам ўзгача таровати... "Қор ёғди – дон ёғди", "Қор ёғди – нон ёғди" деб бежиз айтилмаган. Бу юртда ҳеч ким, ҳеч қачон ризқ-рўзсиз қолмаслигидан далолат бу.

Ёғавер қор, дилларни шодликка, дастурхонимизни нонга тўлдириб. Ризқу насибамиз рамзи бўлиб ёғавер, ёғавер...

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Кўнглидек пок, оқ қори билан,
Қор остида баҳори билан,
Озод ва ҳур диёри билан
Болаларга беринг дунёни!

Эътироф

АРДОҚЛИ АДИБНИ ҚУТЛАБ

1985 йилнинг январь ойида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғида ёзувчи Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 100 йиллиги бўлиб ўтган эди. Ана шу анжуманда атоқли олимлар, ёзувчилар қатори истеъдодли ижодкор Тоҳир Малик билан юзма-юз кўришиб, суҳбатлашишга муяссар бўлган эдим. У ерда ўғлим Мўминжон илк бор бобомиз Сидқийнинг «Ватан» шеърини маромига етказиб ифодали ёддан ўқиб бериб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлганди. Ёзувчи Тоҳир Малик ҳам ўғлимнинг зеҳнига қойил қолиб, илиқ гаплар айтганди.

Орадан 24 йил ўтиб, Тоҳир Малик билан юзма-юз учрашиш насиб қилди. У Мўминжоннинг фаолияти билан қизиқиб сўради:

– Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бошқармасига қарашли муассасада хизмат қиляпти – дедим.

– Жуда шарафли касбни танлабди. Ишларига омад тилайман, – деди халқ ёзувчиси.

Биз Тўйчиевлар оиласи яқинда таваллуд кунини нишонлаган севимли ёзувчимиз Тоҳир Маликни чин қалбдан муборакбод этиб, у кишига ва оила аъзоларига мустаҳкам саломатлик ва ижодларида янгиданянги ютуқларга эришишни тилаб қоламиз.

Файзуллоҳ Мулла Тўйчи ўғли.

СЕВИМЛИ АРЧАМИЗ ТАРИХИ

Янги йил айёмида деярли барчанинг хонадони тўрини безатилган арча эгаллайди. Байрам арафасида уйда, боғча, мактабларда ва кўчаларда турли-туман ўйинчоқлар билан ясатилган арчаларни кўриб, кўзимиз қувнайди. Арчанинг қачон ва қандай пайдо бўлгани, нима учун айни Янги йил байрамида безатилишига ҳеч қизиққанмисиз? Ундай бўлса арчанинг келиб чиқишини билиб олинг.

Маълумотларга кўра, дарахтларни турли байрамлар арафасида безатиш одати фиръавнлар давридан бери мавжуд. Қадимги мисрликлар пальма дарахтларини безатишган бўлса, Европада арчалар безатилган экан. Европа халқларида арча муқаддас саналган ва бу хуннларнинг буюк кўчиши даври билан боғлиқ. Бу анъананинг келиб чиқишини 3-4 минг йил аввал шу дарахтга сиғинган Сибирь ва Осиё аҳолисининг одатлари билан боғлиқ.

Арчалар илк бор XVI асрда Европа хонадонларида пайдо бўлган. Айтишларича, лютеранлик таълимоти асосчиси Мартин Лютер 1513 йил Рождество арафасида уйига қайтаётиб, осмонда чарақлаган юлдузларга кўз ташлайди. Сўнг ой шуъласида нур таратаётган арчаларни кўради. Лютер улардан бирини уйига олиб келиб, шам ва юлдузчалар билан ясатади. Шундан сўнг бу анъанага айланади.

Тахминларга кўра, биринчи арча дарахти 1521 йилда Эльзасдаги Селеста шаҳри майдонига ўрнатилган. Бироқ бошқа тахминлар ҳам йўқ эмас. Улардан бири, арча илк бор 1510 йил Латвиянинг Ригадаги Ратуша майдонига ўрнатилганидан дарак беради.

Янги йилни нишонлаш одатини Пётр I Германиядан Россияга олиб келган. Илк байрам ҳукмдор қарори билан 1700 йилда нишонланган. 1852 йили Петербургда илк оммавий арча байрами ўтказилган. Янги йил ва Рождество байрамини арча безатиш билан нишонлаш одати XIX аср ўрталарида мустаҳкамланган. Аммо Биринчи жаҳон уруши даврида Рождество арчасини безаш немис анъанаси сифатида тақиқланган.

Ўтган асрнинг 20-йилларида арча диний сарқит сифатида собиқ иттифоқ ҳудудида бекор қилинади. 1936 йилда эса уни фақатгина Янги йил байрамида ясатишга рухсат берилган.

Биринчи арча ўйинчоғи – шишали шар XVI асрда Саксонияда яратилган. Аммо арчани безаш учун тайёрланган шиша ўйинчоқлар оммавий равишда Германияда XIX асрда яратилган. Афсонага кўра, Янги йилда арчани ширинликлар билан безашга пули бўлмаган шишасоз уста болаларини хурсанд қилиш учун шишадан ўйинчоқлар ясаган. Шу тарзда шиша ўйинчоқлар тайёрлаш бошланиб кетган. Ундан ташқари мум, қоғоз, мато ва ёғоч кабилардан ҳам ўйинчоқлар тайёрланган.

Янги йил ҳандалари

Янги йил арафасида профилактика инспектори бозор чеккасида пақилдоқ сотаётган қарияни ушлаб олибди.

– Ўғлим, мени қўйиб юборақол! Иккинчи бу номаъқулчиликни қилмайман. Агар яна пақилдоқ сотсам, пақилдоқдай ёрилиб ўлай, – дебди қария қувлик қилиб.

– Қасам ичмай қўяқолинг. Агар ваъдангизда турганингизда, ўтган йилги Янги йилдаёқ парча-парча бўлиб кетган бўлардингиз. Қани олдимга тушинг! – дебди профилактика инспектори.

* * *

Янги йил дастурхони атрофида.

– Нега ароқ ичаётганингда кўзларингни юмиб оласан?

– Хотинимга «янги йилда ароққа бошқа қарамайман», деб ваъда берганман...

* * *

Янги йилга бир неча соат қолганда ота-онаси 5 яшар ўғлини бувисиникига олиб боришибди.

Йўлдан чарчаб келган болакай, ухлаб қолибди. Уйдаги шовқиндан уйқуси чала бўлиб уйғонган болакай, хархаша қила бошлабди.

Бувиси унга дебди:

– Агар инжиқлик қилмасанг Қорбобо сенга ўйинчоқ самолёт совға қилади!

– Ур-ре! – дея бақирибди хурсанд бўлганча болакай. – Энди менинг самолётим иккита бўлади!

– Нега иккита?! – ҳайрон бўлибди буви.

– Иккинчисини кароватим остидан топиб олдим.



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚУЙ. Юлдузлар олдингизга қўйган мақсадни қайта кўриб чиқишни маслаҳат беряпти. Янги ғоялар, режалар пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз йўлингизни давом эттиринг. Қатъий қарорга келишга шошилмаганингиз маъқул. Ижодий фаолият билан шуғулланиб, яхши натижаларга эришиш имконияти туғилиши кутиляпти.

СИГИР. Янги билимлар эгаллаш учун қулай ҳафта бўлади. Ўқиб, ўрганиб касб маҳоратингизни оширишга ҳаракат қилинг. Илмий тадқиқот, тажриба ўтказиш, илмий иш билан шуғулланувчилар учун омадли бўлади. Саёҳатга чиқиб, хорижликлар билан мулоқотда бўлиш имконияти туғилади. Уйда қайта жиҳозлаш, қуриш ишларини қилмаган маъқул.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта одатдагидан анча қизғин, сермашаққат бўлиши мумкин. Куч, билим, тажрибани фақат керакли ишларга сарфлашга ҳаракат қилинг. Қарз, кредитларни қайтариш масалалари ечимини топишига имкон туғилади. Бироқ бу борада шошмаслик лозим. Саломатлик ҳақида ҳам қайғуришни унутманг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Юлдузлар бу ҳафтада ўзаро муносабатларга кўпроқ эътибор бериш кераклигини уқтиряпти. Ишонч, ҳурмат, самимийлик бор жойда муносабатлар мустаҳкам бўлишини унутмаслик лозим. Кўп муаммолар яхши муносабат туфайли ечимини топишини эслатиб ўтамиз. Янги танишувларнинг асоси ва натижаси ҳам ана шунга боғлиқдир.

АРСЛОН. Ҳафта давомида кўпроқ ақлий меҳнат қилишга тўғри келади. Кўпроқ мулоқот қилиш, дўстлар, ҳамкасблар маслаҳатига қулоқ тутиш лозим бўлади. Тиббий кўрикдан ўтиб, даволанишни бошлашингиз ҳам мумкин. Даволаниш муолажаларига қатъий амал қилсангиз шифо топиш осон кечишини унутманг.

БОШОК. Ижодий ишлар учун янги имкониятлар туғилиши кутилмоқда. Ҳафта давомида болаларга кўпроқ эътибор бериш талаб этилади. Тарбияни бўшаштирмай, замонага мослаб олиб бориш керак бўлади. Янги танишувлар ёшлар учун жиддий тус олиши мумкин.

ТАРОЗИ. Юлдузлар бу ҳафтада хонадон ва оила муаммоларига жиддий эътибор бериш лозимлигидан дарак беряпти. Айрим масалаларни оила даврасида ҳал этишни маслаҳат берамиз. Қариндошлар билан бир пиёла чой устида дийдорлашиш мавқеингизни оширади. Келгуси режаларни тузмай, янги ишга қўл урмай турган маъқул.

ЧАЁН. Бу ҳафтада эски қадрдонлар, танишлар, синфдошлар, тенгдошлар билан учрашиб, мириқиб суҳбат қуриш имкони бўлади. Янгиликлардан бохабар бўлиб, кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Қисқа саёҳатга чиқишингиз мумкин. Табиат қўйнида яқин кишингиз билан дам олиш имконияти ҳам туғилади.

ЁЙ. Сизни ташвишга солаётган молиявий масалаларни ҳал этишни пайсалга солмай, тез ва аниқ ҳаракат қилсангиз омад қулиб боқиши мумкин. Яхши буюм харид қилиш учун шошмашошарлик ярамайди. Нархига эмас, сифатига эътибор беринг. Кредит олишни эса кейинроққа қолдирган маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Юлдузлар юриш-туриш, муомала ва феъл-атворингизни ўзгартиришга ҳаракат қилишни маслаҳат беради. Ташқи кўринишни яхшилашни ҳам эсдан чиқарманг. Дилраболик, жозибалик фақат башанг кийинишда эмаслигини эслатиб ўтамиз. Иш, уй юмушларини бажариш, саломатликни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳам эсдан чиқмасин.

ҚОВҒА. Дам олиш, куч-қувват тўплаш учун қулай ҳафта бўлади. Гарчи танҳоликни истасангиз ҳам кўп ёлғиз қолманг. Яхшиси ижод билан шуғулланинг. Кенг кўламли, нисбатан оғир ишларга қўл уриб саломатликка путур етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлган маъқул. Даволанишни бошлаш учун аввал қайта тиббий кўрикдан ўтиш энг мақбул йўл.

БАЛИҚ. Дўстлик ришталари ва муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун имконият бўлади. Эски ошналар билан мириқиб суҳбатлашишга вақт ажратинг. Бу ҳафтада янги режалар, ғоялар туғилиши мумкин. Аввалги режаларни таҳлил қилиб, керагини олиб қолиш фойдадан холи бўлмайди. Рўзғор ишларига ҳам эътибор беришни эсдан чиқарманг.

Табриклаймиз!

Қашқадарё вилояти ИИБ ИХХҚ ва ЮТБ бошлиғи, майор Чори КУЧАРОВни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз. Эл осойишталиги, юрт тинчлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги масъулиятли ишларида муваффақият тилаймиз. Ҳамкасбларингиз, дўстларингиз ва оилангиз бахтига соғ-омон бўлинг.

Эҳтиром ила ҳамкасбларингиз.

Бухоро вилояти ИИБ Санитария-эпидемиология назорат маркази бошлиғи, майор Жамол ШУКУРЛОЕВни қутлуғ 50 ёшга тўлиши билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва маъмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, эл соғлиғини сақлаш йўлидаги хизматларида улкан ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси барча азиз юртдошларимизни, ҳамкасбларимизни ҳамда қадрли мухлисларимизни янги 2010 йил билан муборакбод этади. Эзгу ниятлар билан келиб келган Баркамол авлод йили ҳаммамизга олам-олам қувонч олиб келсин! Қалбларимизни меҳру оқибат, эзгулик ва маърифат нури ҳеч қачон тарк этмасин. Юртимиз тинч, фаровон бўлсин!

Азиз юртдошлар,
қадрли ҳамкасблар!

2010 йил январь ойи охирида ИИВ Бирлашган таҳририятининг нашрлари — «Postda», «На посту» газеталари, «Qalqon», «Щит» журналларига обуна натижалари бўйича энг фаол ҳамкорларимизни мукофотлаш ниятидамиз.

Шу боисдан нашрларимизга шахсий таркибнинг юз фоиз обуна бўлишини таъминлаган ички ишлар идоралари раҳбарларидан обунани ташкиллаштиришда фаол иштирок этган масъул ходим ҳақидаги маълумотларни 2010 йил 15 январга қадар бизга юборишларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти.

ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**
Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88;
Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma № J-8709. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 58996 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.